O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 16-may, chorshanba ✱ № 21 (773) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

"ОИЛА ДАВРАСИДА" – ЯНГИ НАШР

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони яна биттага кўпайди. "Оила даврасида" ижтимой-сиёсий, маънавий-маърифий газетасининг илк сони 100 минг нусхада чоп этилди.

⇨ 4-бет

ДУНЁНИНГ ЭНГ БЎЙДОР ОДАМИ УЙЛАНМОҚЧИ

«Ҳозир менинг биттаю-битта ниятим — уйланиш, — дейди у оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида. Ишонаманки, машҳурлигим бу ниятимга эришишимда менга ёрдам беради». Қизиқ, баҳайбат йигитга муносиб қиз топилармикан?..

⇨ 5-бет

«ЖАҲОНГАШТА САЙЁҲ-ОЛИМЛАР»

Манбалардан маълум бўлишича, агар суғориш мавсумида Нил дарёсида сув сатҳи 12 тирсаккача кўтарилса, ҳосил бўлмай, мамлакатда очарчилик кутилган, 13 тирсакда буғдой ҳосил бермаган, 14 тирсакда ўртача ҳосил етиштирилган, 15 тирсакда экинлар яхши ҳосил берган ва ниҳоят 16 тирсакда эса ҳосил ниҳоятда кўп бўлиб, мамлакатда мўл-кўлчилик бошланган.

⇨ 8-бет

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОДКБ ВА МДҲ САММИТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 май куни Москва шаҳрида Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг юбилей сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этди.

ОДКБ Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси Кремлда давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Сўнгра Ташкилотга аъзо мамлакатлар расмий делегациялари вакиллари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказилди.

Кенгашнинг ушбу саммити Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Тошкент шартномаси имзоланганига 20 йил ва ОДКБ ташкил этилганига 10 йил тўлган бир пайтда бўлиб ўтди.

Ўтган йиллар давомида Шартномага қўшилган мамлакатлар коллектив хавфсизлик тизимини шакллантириш бўйича мураккаб йўлни босиб ўтди. Собиқ Иттифоқ ҳудудида юзага келадиган кўплаб муаммоларни ҳал этиш борасида аъзо мамлакатларнинг амалий ҳамкорлиги бўйича катта тажриба тўпланди.

2002 йилда тузилган ОДКБ аъзо давлатларнинг ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ОДКБнинг терроризмга, наркотиклар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига, уюшган трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш ва бошқа соҳаларни ўз ичига олган мақсадли вазифалари кўлами кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти минтақада ва умуман дунёда юзага келган, турли тенденцияларга эга ҳамда ушбу маконда жойлашган давлатлар ва халқларнинг муҳим ҳаётий манфаатларига бевосита таъсир кўрсатаётган мураккаб сиёсий, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий вазиятнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда, Ташкилотни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Хусусан, Ўзбекистон ОДКБнинг асосий мақсади, аввало, аъзо давлатларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборат, деб билиши таъкидланди. ОДКБ фаолиятининг самарадорлиги ва унинг янада ривожланиши кўп жиҳатдан Ташкилотга аъзо барча давлатларнинг ҳамжиҳатлик тамойилига амал қилиши ҳамда манфаатлари уйғунлигига боғлиқ экани баён этилди.

Сессия якунлари бўйича ОДКБга аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси ва қатор бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу куни МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлиси ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон томони Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кўп томонлама ҳамкорлик учун шарт-шароит яратишдан манфаатдор суверен мамлакатлар бирлашмаси сифатида қарайди.

Давоми 2-бетда.)

ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИБ ЯШАШ – БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ ЎТКИР ТАЛАБИ

Президент Ислом Каримовнинг интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни баён этди.

Давлатимиз раҳбарининг бу чиқиши, унинг барча нутқ ва маърузалари каби, ўзининг долзарблиги, кенг қамрови, теран мантиқий асоси, амалий хулоса ва таклифлари билан халқимиз, жамоатчилигимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Мазкур суҳбатда, аввало, халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«Агарки ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошимиз қатнашганини, шундан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, бу фожиа Ўзбекистондаги биронта хонадонни четлаб ўтмагани аён бўлади».

Дарҳақиқат, бу рақамларнинг мағзини чақадиган бўлсак, улар халқимиз бошига тушган чексиз қайғу-алам ва изтироблардан далолат бериши ўз-ўзидан равшан бўлади.

«Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидаги, қалбидаги мудҳиш уруш азоб-уқубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди, — деди давлатимиз раҳбари. — **Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратганимиздан сўрайди».**

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келгани ва қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетгани ушбу чиқишда алоҳида қайд этилди.

«Жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим бўлиб қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати, вақт ўтса-да, даврлар ўтса-да, ҳеч қачон эскирмайди», деган сўзлар айни ҳақиқатдир.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида ғоят муҳим мавзуга, яъни мудҳиш ва аёвсиз урушнинг такрорланмаслиги учун унинг илдизлари яна униб чиқишининг олдини олиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганига жиддий эътибор қаратди.

«Дунёнинг кўпгина минтақаларидаги қарама-қаршилик, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол, аввало Афғонистонда 30 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этаётган таҳликали вазият Ватанимизни ҳар қандай балою-қазолардан асраш учун доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади» деган фикрлар, табиийки, ўз оиласининг, фарзандларининг эртанги куни ҳақида ўйлайдиган ҳеч бир юртдошимизни бефарқ қолдирмайди.

Айниқса, бугунги шиддатли замонда лоқайд ва бепарво бўлмасдан, юртимизда, минтақамизда, ер юзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб, бошқаларнинг дардини ўзига яқин олиб яшаш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шу интервьюдаги **«Эй одамзот, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқар! Бундай бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора кўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга қарши ишлатиш, турли мамлакатлар, турли миллат ва элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топишиб, турли офатларни томири билан йўқ қилишини бугун замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг яккаю ягона йўли шу. Буни бугун тушуниб, англаб олмасак, эртага кеч бўлади»** деган, бамисоли қалб нидоси каби янграган даъваткор сўзлар ҳаммамизни ён-атрофимизга сергак назар ташлаб, маънавий жиҳатдан доимо уйғоқ бўлиб яшашга ундайди.

Давоми 2-бетда.)

Иқтидорлар улғаядиган маскан

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан истеъдодли қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларидан Сайёра Муродова, Дилфуза Ражабова, Гулруҳ Мухторова, Дилфуза Маҳкамова, Маъмура Ёқубова, Юлдуз Зоирова ва Бахтижон Исроиловани боғлаб турадиган бир жиҳат бор. Бу етти нафар иқтидор соҳибасининг ҳаммаси битта таълим маскани — Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицейда ўқиган.

У.РАҲМОНҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Мазкур лицейда заковати, илмий ва ижодий салоҳияти билан бундай салмоқли ютуқларни қўлга киритаётган ўқувчилар кўп. Лицейнинг 4 ўқувчиси "Келажак овози" танловининг республика босқичида ғолиб бўлган. Улар фан олимпиадаларида ҳам муносиб ўринларни эгаллаб келмоқда. 2010-2011 ўқув йилида ўнга яқин ўқувчи ижтимоий ва аниқ фанлар бўйича олимпиадаларнинг республика босқичида иштирок этди. Буларнинг барчаси ушбу таълим даргоҳида иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўйича улкан тажриба тўпланганидан, таълим-тарбия ишлари самарали йўлга қўйилганидан далолатдир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров раҳбарлик қилаётган академик лицейда аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар ва хорижий филология йўналишида чуқурлаштирилган тарзда билим берилади. Лицейда фаолият юритаётган 70 нафар ўқитувчининг барчаси юқори малакали, улар орасида профессор ва фан номзодлари бор.

Замонавий усулда жиҳозланган фан ва ўқув-лаборатория, лингафон, компьютер хоналарига, кўркам спорт залига эга лицейнинг ахборот-ресурс марказида 6 мингта яқин адабиёт мавжуд. Барча компьютерлар интернет тармоғига уланган. Лицейда 12 фан, 7 спорт тўгараги ҳамда «Зиё» интеллектуал клуби фаол иш олиб бормоқда.

Суратда: "Физика" тўгараги раҳбари Актам Давлатов тўгарак аъзолари билан.

ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИБ, ЗАМОН БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛИБ ЯШАШ – БУГУНГИ ҲАЁТНИНГ ЎТКИР ТАЛАБИ

Президент Ислом Каримовнинг интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар

(Боши 1-бетда.)

Хотира майдонида журналистлар билан бўлиб ўтган суҳбатда тарихий хотира тушунчасига ҳар томонлама илмий ва ҳаётий асосда таъриф берилди.

“Тарихий хотира — бу умр мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини, уларнинг бир-бирига дахлдор эканини, ҳаётнинг бамисоли узвий ҳалқалар каби кетма-кет боғланишини англаш, тарихдан хулоса чиқариб, бугунги кун учун тўғри йўл танлаш, ота-боболаримизнинг руҳи покларига ҳурмат билан қараш, миллий қадрият ва анъаналаримизни топташга йўл қўймаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш демакдир”.

Чиндан ҳам, тарихий хотира одамни беғамлик ва бефарқлик туйғусидан уйғотади, унинг ғафлат ботқоғига ботиб қолишига йўл қўймайди. Бу фикрга ишонч ҳосил қилиш учун Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобига мурожаат қилиш жоиз, деб ўйлаймиз. Ушбу китобдан ўрин олган, 1990 йил 5 июнда республика миқёсидаги катта бир мажлисда мамлакатимиз раҳбари томонидан баён этилган, чуқур сиёсий мазмунга, дастурий аҳамиятга эга бўлган маърузанинг “Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан” деб аталиши буни яққол тасдиқлайди.

Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, бундан 22 йил олдин сўзланган ўша маърузада ушбу шарҳимизда тилга олинаётган энг муҳим масалалар, яъни тарихга ҳурмат билан қараш, уруш ва меҳнат фахрийларини қадрлаш, азалий урф-одат ва анъаналарни, миллий тилни асраб-авайлаш, миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, миллатчилик, шовинизм, “оммавий маданият” кўринишларига қарши курашиш, байналмилал тарбияни кучайтириш, ёшларга ҳал қилувчи куч сифатида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, Қуролли Кучларга муносабат каби ўнлаб масалалар ўзининг ҳар томонлама чуқур таҳлилини топганини ва бу масалалар бугунги кун билан нақадар ҳамоҳанг эканини яққол кўриш мумкин.

Хотира майдонидаги суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов, шунингдек, бугунги кунда бутун инсониятни ўйлантириши лозим бўлган яна бир ўта муҳим мавзуга батафсил тўхталиб ўтди. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна илдиз отаётгани, қайта бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётгани ҳақида, бундай хавф-хатарларни сезмаслик, кўрмаслик, уларга нисбатан бепарво бўлиб яшаш асло мумкин эмаслиги ҳақида куюниб сўз юритди.

“Биз ҳозир XXI асрда яшаяпмиз, миллатчилик иллати ўрта асрларда қолмадими? Бизга кўшни бўлган баъзи давлатларда тарихлар қайта ёзиляпти, бу борада институтлар, идоралар тузиляпти. Гўёки, бу давлатдаги асосий миллатнинг у билан ёнма-ён яшаётган бошқа миллатлардан устун томонлари бор экан. Бундай нохуш ҳолатларга вақтида баҳо бермасак, уларнинг олдини олмасак, оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар” деган сўзлар, ҳеч шубҳасиз, огоҳ этувчи бир бонг бўлиб янгради, десак, асло хато бўлмайди.

Афсуски, вақт ўтиши билан баъзи ҳақиқатлар эсдан чиқади, баъзи ҳақиқатлар ғаразли мақсадларда сохталаштирилади. Ана шундай ҳолатларни назарда тутган ҳолда, Президентимиз бугунги кунда фашизмни, Гитлердек ёвуз шахсларни оқлашга бўлган уринишларни қаттиқ қоралаб, тарих ҳақиқатини ҳеч қачон унутмасликка чақирди: **“Ҳозирги вақтда баъзи жойларда Гитлер давлат тепасига демократик йўл билан келган, деган даъволар, баёнотлар ҳали-бери чиқяпти. Бундай гапларни эшитганда, мен ўзимга ўзим савол бераман: агарки фашизмни ҳукумат тепасига олиб келадиган бўлса, буни демократик йўл деб айтишга ўзи қандай тил боради ва бу қандай ақлга сиғади?”**

Мазкур чиқишда бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган, дунё тан олаётган улкан натижаларнинг негизида турган асосий омил мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлаётгани тўғрисида атрофлича фикр юритилди: **“Аввалambор, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас”.**

Бу борада айниқса инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнаётгани ҳар томонлама кенг таҳлил этиб берилди. Шу муносабат билан тарихни доҳийлар эмас, балки онгли ва бунёдкор инсон, халқ яратиши ҳақидаги фикрлар янгича контекстда, янгича мазмун ва фалсафий руҳ билан баён қилинди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, собиқ совет мафкураси йиллар давомида бизнинг онгимизга тарихнинг яратувчиси доҳийлардир, инсон, халқ эса катта давлат машинасининг кичик бир бўлаги, винтчаси деган нотўғри ғояни сингдириб келган эди. Большевиклар халқимизга нисбатан тазйиқ ва таъқибларни авж олдирган 20-30-йилларда бизнинг ижодкор зиёлиларимиз, хусусан, буюк шоиримиз Чўлпон ўзини тўлқинлар гирдобига тушиб қолган сомон парчасига ўхшатгани халқимизнинг ана шундай мафкурага қарши қалб исёнининг ифодаси бўлган эди.

Президентимизнинг бу масалага янгича нуқтаи назардан ёндашуви ҳаётда инсон омилининг, халқнинг тарихдаги ўрни ва аҳамиятини янада теран очиб беришга хизмат қилади. Шу маънода, **“Агар халқ қўллаб-қувватламаса, унинг орзу-интилишлари, хоҳиш-иродасини ифода этмаса, доҳийнинг ўзи ҳеч нарса қилолмайди”** деган фикрлар бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ушбу суҳбатда яна бир муҳим масала — униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг ота-боболар анъаналарини давом эттириб, уларнинг хотираси, бебаҳо меросига нисбатан ҳурмат-эҳтиром, ғурур-ифтихор туйғуси билан яшаши миллий ўзига хослигимизнинг асосий белгиси ва ҳал қилувчи шарти экани таъкидланди. Мамлакатимизда ёш авлодни айнан шу руҳда тарбиялаш, камолга етказишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан барчамиз яхши хабардормиз.

Айниқса, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш бўйича мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб амалга оширилаётган дастурларнинг натижалари дунёда кенг эътироф этилмоқда. Яқинда айни шу масалаларга бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференциялар биз учун инсон омили, инсоннинг бахти ва камолоти энг буюк мақсад эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бу конференцияларда БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари ва намояндалари, дунёнинг қарийб 50 та давлатидан, тараққий топган мамлакатлардан кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоблари, йирик олимлар ва мутахассислар келиб, бу борадаги ютуқларимизни тан олгани бунинг яққол далилидир.

“Дунёдаги ҳар қайси давлатнинг эртанги куни, истиқболини ҳал қиладиган иккита мезон, яъни аҳоли саломатлигини сақлаш ва таълим-тарбия соҳасида Ўзбекистоннинг етакчи ўринларга чиқаётгани нимадан далолат беради, бу ютуқларга қандай эришилмоқда, деган масалалар юзасидан кўпгина фикрлар билдирилмоқда, тадқиқотлар олиб борилмоқда. Лекин мендан сўраса, бу ютуқларнинг асосий мезони инсон омили, деб айтган бўлардим”, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда юртимизда одамларнинг дунёқараши тубдан ўзгармоқда, юксалмоқда. Бугунги замондошларимиз билан 90-йиллардаги инсонларнинг дунёқараши, онгу тафаккурида ер билан осмонча фарқ бор. Лекин буни баъзан ўзимиз ҳам сезмай қоляпмиз, гўё аввалдан шундай бўлиб келгандек. Энг муҳими, оиламиздаги, меҳнат жамоамиздаги, фарзандларимиз таълим олаётган билим масканларидаги, барча шаҳар ва қишлоқларимиздаги, бутун Ўзбекистонимиздаги беқиёс янгиланишлар мисолида бу ўзгаришларнинг натижаларини ҳар қадамда кўряпмиз.

Мамлакатимизда 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши ҳам инсон омилига бўлган эътиборнинг амалий ифодаси экани суҳбат давомида қайд этиб ўтилди. Инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ана шундай изчил сиёсат туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб, кўпмиллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топиб бормоқда.

Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган бойликни кўз қорачиғидек асраш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Президентимиз бу борада, айниқса миллий армиямизни, халқимизнинг тинчсевар ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга эканига яна бир бор урғу берди. Мустақиллик йилларида Қуролли Кучларимизни том маънода халқимизнинг ғурур-ифтихорига айлантириш йўлида ўзининг қамрови ва миқёси жиҳатидан жуда улкан ишлар амалга оширилгани ва келгусида бу соҳада олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларга эътибор қаратилди.

Суҳбат давомида давлатимиз раҳбари биз учун энг устувор масалалардан бири бўлмиш ёшлар тарбияси мавзусига тўхталиб, бу хусусда тўлқинланиб сўзлади.

Маълумки, ёшлар ҳамма масалада жуда таъсирчан, ҳиссиётга берилувчан бўлади. Айниқса, улар ҳаётда учраб турадиган адолатсизлик, ноҳақлик ҳолатларини нозик ҳис қилиб, бу борадаги ижобий ва салбий ўзгаришларни ғоят тез ва ҳассослик билан қабул қилади. Шунинг учун ҳам бизнинг ғанимларимиз бугунги кунда ҳаётимизда мавжуд бўлган айрим камчиликлардан фойдаланиб, ёшларимизни чалғитмоқчи, уларнинг қалбига, дунёқарашига таъсир ўтказмоқчи бўлаётганини эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Бу борада турли мафкуравий марказлар четдан туриб, “мутлақ эркинлик”, “чегарасиз эркинлик”, “эркин ахлоқ” деган сохта ғояларни уларнинг онгига сингдиришга зўр бермоқда. Бу йўлда “оммавий маданият” намуналаридан, турли ахборот технологияларидан, радио-телевидение, интернетнинг ижтимоий тармоқлари каби воситалардан маккорлик билан фойдаланмоқда.

“Бугунги кунда инсон учун ҳеч қандай чегара бўлиши мумкин эмас” деган ёлғон даъволар ёшлар ўртасида кенг тарқатилмоқда. “Аввало, ўзингга ўхшаган билимли, истеъдодли болаларни атрофингга тўпла” деган “маслаҳат”лар бериб, ҳали ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, содда ўғил-қизларимизнинг ишончини қозониб, уларни тўғри йўлдан оздиришга уринмоқда.

Мана шундай маънавий хуружлар қандай салбий оқибатларга, ўзаро қарама-қаршилик ва тўқнашувларга олиб келаётганини бугун дунёнинг олис-яқин турли минтақаларида кўриш қийин эмас. Бинобарин, бундай ғаразли уринишларга асло бепарво бўлишимиз мумкин эмас.

Мана шундай мураккаб шароитда ёшларимизни, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Мана шу муқаддас тупроқ меники, бу ерда ота-боболаримнинг хоки ётибди. Агар шу мусаффо осмон, шу эркин ва ёруғ ҳаёт, мана шу муқаддас Ватанни мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади?”** деган эътиқод руҳида тарбиялаш, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Токи ҳаётда ўз йўлини излаётган фарзандларимиз ўз онги, ўз ақли билан мана шу ғояларнинг тарафдорига, керак бўлса, ҳимоячисига айлансин.

«Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга киряпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман”, деди Президентимиз. Бу сўзлар замирида навқирон авлодимизга нисбатан қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам эканини кўплаб амалий мисолларда кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур чиқишида жамоатчиликка қаратилган мурожаат тариқасида янграган яна бир масалага эътибор қаратиш зарур. Яъни, Ўзбекистондаги бугунги тинчсойишта, фаровон ҳаётни, шаҳар ва қишлоқларимизни янада обод этиш, жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш учун яна нималар қилишимиз керак?

Бугунги эркин ва озод ҳаётнинг маъноси ва қадр-қимматини ёшларнинг онгига ким етказади, уларга ким тўғри йўл кўрсатади? Бунинг учун биз — биринчи навбатда ота-оналар, устоз-мураббийлар масъул бўлишимиз зарур эмасми?

Шу маънода, “Ёшларимиз эртага ким бўлади, қайси ғоя учун курашади?” деган масала барчамизни ҳар куни, ҳар дақиқада ўйлантириши лозим. Бундай ўткир масалалар Президентнинг талаби эмас, замоннинг, даврнинг талаби эканини яна бир бор чуқур тушуниб, англаб олишимиз керак.

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 9 май куни Хотира майдонида билдирган фикрларини шунчаки сиёсат деб эмас, балки ор-номуси, ғурури бор, виждони пок, иродаси мустаҳкам, ўзини шу Ватан фарзанди деб биладиган ҳар қайси одамнинг қалбида, юрагида бўлган ва уни безовта қилаётган тушунчалар сифатида қабул қилиш мантиқий жиҳатдан ҳар томонлама тўғри қараш бўлади.

Шу ўринда муҳим бир фикрга алоҳида тўхталиш зарур. Ҳозирги вақтда маънавий-маърифий ишларни олиб боришда бир пайтлар ўтмишда содир бўлган ёки бугун юз бераётган воқеа-ҳодисалар асосида эски гиналар, низо ва адоватларни қўзғаш, кимдандир ўч олиш, миллатчиликка бериліш каби ҳолатлар биз учун мутлақо номақбулдир. Бизнинг мақсадимиз узоқни кўзлаб, ён-атрофимиздаги, дунёдаги вазиятни холисона таҳлил қилиб, биринчидан, бугун қандай мураккаб ва таҳликали замонда яшаётганимизни англашда ёшларга кўмак бериш, иккинчидан, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Бу борада айниқса Президентимизнинг ҳаммамизга яхши маълум бўлган **“Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади”** деган сўзларини эсга олиш айни муддаодир.

Ана шундай ғояларни ўз онгига чуқур сингдириб, ҳаётий эътиқодига айлантирган миллат ва халқни ҳеч қандай куч ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди ва бундай халқ ўз олдига қўйган юксак мақсадларга албатта эришади.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОДКБ ВА МДҲ САММИТЛАРИДА ИШТИРОК ЭТДИ

(Боши 1-бетда.)

Ҳамдўстлик кўп қиррали ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи вазифасини бажариши мумкин ва зарур. Шунингдек, у бевосита музокара ва давлатлараро мулоқотлар, жумладан, турли даражадаги икки томонлама учрашувлар майдони бўлиб қолиши керак.

Учрашувда МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвага ташрифи доирасида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Ўзбекистон раҳбари Владимир Путинни сайловолди кампанияси муваффақиятли ўтказилгани ва Россия Федерацияси Президенти юксак лавозимига сайлангани билан самимий табриклади.

Томонлар дунёда вазият шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда, аввало, олий даражадаги доимий музокаралар жараёни, сиёсий мулоқот зарурлигини ҳамда юзага келаётган янги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши туришда, халқаро хавфсизликнинг кўплаб кескин муаммоларига ечим топишда ўзаро келишилган позицияларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

Қуйидаги маълумотлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик юксак суръатларда ривожланаётганидан далолат беради: 2010 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2011 йили бу кўрсаткич 6,7 миллиард долларга етди. Ушбу муҳим соҳада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Бу, биринчи навбатда, товар айирбошлашни диверсификация қилиш ва сармоявий соҳадаги ҳамкорлик кўламини кенгайтиришни тақозо этади.

Владимир Путин, ўз навбатида, Россия томони Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги улкан салоҳиятини юксак баҳолашини, Ўзбекистонни минтақадаги етакчи мамлакатлардан бири, деб билишини таъкидлади. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари замон талаб қилаётган суръат ва сифат билан илгари одимлашимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ЎзА

Таҳририят почтасидан

Тадбиркор ёшлар кўпаяди

Навоий вилоятидаги “Тараққиёт” минтақавий тадқиқот маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда “Фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда ёшларнинг иштироки ҳамда масъулиятини ошириш” лойиҳаси билан қатнашиб, грантни қўлга киритди.

Навоий шаҳридаги “Ёшлар саройи”да ўтказилган семинар-тренинг ушбу лойиҳа доирасида ташкил этилди. Тадбир “Ёшлар тадбиркорлиги: самарали бизнес юритиш сирлари” деб номланди. Тадқиқот маркази ходимлари мазкур тадбирни ташкил этиш олдидан ёшлар ўртасида “Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ёшлар нигоҳида” мавзусида социологик сўровнома ўтказиб, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданият ва спорт йўналишларидаги ютуқ ҳамда камчиликлари таҳлил этилди. Шундан келиб чиқиб, семинар-тренинг машғулотларига етакчи иқтисодчилар билан бирга банк муассасалари, давлат солиқ идоралари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, давлат мулк қўмитаси ҳамда суғурта компаниялари вакиллари таклиф этилди.

Семинар-тренингда иштирок этган Кармана, Конимех, Қизилтепа туманлари ва Навоий шаҳридаги касб-ҳунар коллежларининг касбий таълим бўйича директор ўринбосарлари ҳамда тадбиркорлик асослари курси бўйича дарс берувчи ўқитувчилар назарий, амалий билимларини оширишлари билан бир қаторда ўзларининг соҳага оид кўплаб саволларига жавоб олдилар. Жумладан, “Микрокредитбанк”нинг кредитлаш бўлими бошлиғи Анвар Мардиевнинг банкдаги кредитлар, имтиёзлар, шарт-шароитлар ҳақидаги ахбороти, Навоий шаҳар давлат солиқ инспекцияси бўлими бошлиғи Нодир Жуманазаровнинг тадбиркорлик субъектларига солиқ солишдаги янгиликлар, иқтисодчи, мустақил эксперт Дамир Нурмуҳамедовнинг “Бизнес бошлашдаги тавакалчилик” мавзуидаги чиқишлари интерфаол мулоқот усулида олиб борилгани қатнашчилар учун жуда фойдали бўлди.

Яна бир гап: марказ томонидан тадбиркорлик ва кичик бизнесни бошловчи ёшлар учун ишлаб чиқилган услубий қўлланмада бизнес режа тузиш бўйича маслаҳатлар, банкда ҳисоб рақамини очиш, бухгалтерия ҳисоби ҳамда солиқлар бўйича йўл-йўриқлар ўрин олган. Лойиҳа доирасида ташкил этилган *www.taraqqiyot.com* интернет сайти ҳам ёшларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий-психологик кўмак беришни мақсад қилган.

Қобил ШОИМОВ,
“Тараққиёт” минтақавий тадқиқот маркази директори ўринбосари, лойиҳа раҳбари

Тарихий хотира ва маънавий тараққиёт

Маънавиятни мазим чинорга қиёс этсак, адабиёт, спорт ва мусиқа ҳамда тарихий хотира унинг бақувват илдизлари десак, янглишмаймиз. Таъбир жоиз бўлса, тарихий хотира кишиларни ғафлатдан уйғотади, жоҳиллик исканжасидан қутқаради. Унингсиз келажак йўқ. Замирида аждодларга чексиз ҳурмат, юксак ғурур туйғуси мавжуд. Тарихий хотира, ўз навбатида, миллий қадриятларни авайлаб-асраш демакдир.

Миллий юксалиш пойдевори

Турли информацион хуружлар «тараққиёт кема»сини ғарқ қилишга уринаётган бир пайтда миллий қадриятларни кўз қорачиғидек асраш-ардоқлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш бош мақсадга айланиши табиий ҳол. Йўқса, турли диний-сиёсий оқимлар ўзларининг зарарли мафкураларини ёшлар онгига осонгина сингдира олади. Бу йўлда ҳатто мажбурлаш, террор уюштиришдан ҳам тап-тортмайди.

Бугун чиндан ҳам геосиёсий ўйинлар авж олган даврда, ёвуз кучларнинг очкўз нигоҳи қадалган маконда яшаяпмиз. Биргина афғон муаммосининг ўзи 30 йилдан буён ҳудуддаги мамлакатларнинг тинчлигига раҳна солиб келмоқда. Бутун бошли Шимолий Атлантика иттифоқи (НАТО)-нинг қудратли қўшинлари ҳам 11 йилдан буён бу мамлакатда илдиз отган худкушлик, терроризм, миллатчилик, гиёҳванд моддалар савдоси каби ғайриинсоний ҳолатларга барҳам бера олмади. Ўрни келганда айтиш жоизки, Мамлакатимиз Президентининг яна бир ибратли гапи ўзининг нақадар ҳаётбахш эканини тобора намоён этиб бормоқда: «... жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак». Англаяпсизми. нақадар теран ҳикмат бор бу гап замирида?

Давлатимиз раҳбари яқинда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан журналистларга берган интервьюсида маънавият масаласига яна бир бор эътибор қаратди. Жумладан, 67 йил аввал юзига тупроқ тортилган фашизмнинг бугун яна миллатчилик қиёфасида бош кўтараётгани хусусида бежиз гапирмади. Бу зарарли мафкура ҳақида гап кетганда бир мисолни келтириш кифоя, қилса керак. Айтишларича, йигирманчи аср бошларида фашизмнинг асосчиларидан бири Муссолини оиласи даврасида нонушта қилиб турганда, ўғли қизиқсиниб сўрабди: «Отажон, сизни ҳамма фашизм асосчиси дейишяпти, фашизм нима дегани ўзи?» Шунда мамлакатнинг биринчи одами фарзандини бир шапалоқ уриб, «овқатингни е», деган экан...

Мана сизга, инсонийликка тамоман зид бўлган ғоянинг ёш авлодга муносабати ва унинг асл моҳияти. Кейинчалик нима бўлгани барчага аён. Фашизм Гитлер қиёфасида миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритди...

Афсуски, бугун ҳам бундай ёт ғоялар чиркин қатламлардан куч олиб, янгидан бош кўтармоқда. Миллий ва этник низоларни пайдо қилиб, шу йўл билан мамлакатлардаги тотувликни, фаровон ҳаётни издан чиқаришга уринаётган, фарзандни ота-онадан айираётган, норасида ўғил-қизларнинг кўзларидаги қувончни ўғирлаб, уларни ҳуқуқдан бебаҳра тўзғиган авлодга айлантиришга ҳаракат қилаётган кучларнинг манфур башарасини кўшни давлатларда содир бўлган хунрезликлар мисолида ҳам кўрдик ва бундан бизнинг-да юрак-бағримиз ўртанмай қолмади.

Дунёни қайнаб турган қозонга қиёс этсак, мамлакатимиз ҳам ўз-ўзидан ундан четда бўлолмайди. Юртимизда бугун 130 га яқин миллат ва элат вакиллари бағрикенглик ва тотувликда истиқомат қилиб келмоқда. Улар ўртасига нифоқ солишга уринаётган ташқи кучларнинг пайи вақтида қирқилмаса, эртага кеч бўлиши муқаррар. Бунинг учун эса ёшларнинг ўзи ўз ақли ва билими билан уларга қарши туриши, курашиши керак. Шундагина зарур самарадорликка эришиш мумкин.

Яқинда пойтахтимиздаги Турин политехника университетининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раислигида бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилишида ҳам айни шу мавзуга катта эътибор қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент Ислом университети проректори Ш.Акмалов, адабиётшунос олим Ш.Ризаев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, таниқли публицист ва драматург Қўчқор Норқобил, Ўзбекистон халқ артисти О.Назарбеков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т.Саидов, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши раиси О.Маҳкамов, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси З.Тазетдинова ва бошқалар ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда турли ғаразли хуружларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириш хусусидаги ўзларининг таклиф-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Тадбирда иштирок этган таниқли шоир ва ёзувчилар, ОАВ вакиллари, спортчилар, актёр ва хонандалар, олий ўқув юртлари мутасаддилари томонидан бугунги глобал маконда доимо сергак ва огоҳ бўлиб яшаш, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб, хулоса чиқариш кераклиги, ёшларни жозибали ғоялари билан аврашга интилаётган турли яширин ташкилотларнинг бузғунчилик фаолиятига бефарқ бўлмаслик, халқимиз ниманинг ҳисобига тинч ва осуда жамият барпо этиб, тараққиёт пилапояларидан юқорилаб бораётганини теран ҳис этиш, бу масалаларни ОАВ ҳам чуқур муҳокама қилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Якунда Президентимизнинг Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида белгиланган дастурий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг алоҳида тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, унинг марказий ва ҳудудий тузилмалари ишини қайта кўриб чиқиб, фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Замонимиз қаҳрамонлари

Табиийки, ҳар бир замоннинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Улар ҳурлик ва истиқбол учун курашган, ўз халқини озодликка олиб чиққан йўлбошчилар ёки душманни юртидан ҳайдаб чиқарган саркардалар, улуғ кашфиётлар қилиб, ўз миллати номини дунёга ёйган олимлар ёки эзгулик ва адолат учун жонларини фидо қилган оддий инсонлардир. Ана шундай ватан фарзандлари ўз даври кишиларининг энг олий фазилатларини — ахлоқ-одоби, ақлу заковати, ҳалоллиги ва мардлигини, орзу-умидларини ўзларида мужассам этганликлари билан ажралиб турган. Шунинг учун ҳам халқ уларни севган, уларга эргашган, келгуси авлодларга ибрат қилиб кўрсатган. Улар ҳақида достонлар тўқилган, роману қиссалар ёзилган, саҳна асарлари яратилган.

Хўш, бизнинг бугунги замонамиз қаҳрамони ким?

Биз — XXI асрнинг ёш авлоди қандай кишиларни қаҳрамон деб ҳисоблаймиз? Кимга эргашамиз, кимга тақлид қиламиз, хуллас, кимни "идеал" деб биламиз.

...Бир куни дарсда "Замонамиз қаҳрамони ким?" мавзусида суҳбат бўлди. Жаҳонгир деган ҳамкурсимиз "Замонавий кийинадиган, камида иккита тилни биладиган, чет элда ўқиб келаётган зиёли тенгдошларимиз", деса, Асила "Замонамиз қаҳрамони" деган номга спортчиларимиз муносиб, чунки юртимиз номини дунёга танитишда уларнинг ҳиссалари кўпроқ" деб ҳаммамизни ишонтирди. Умида эса "Чўнтагида пули, таниш-билиши борлар тезда муваффақиятга эришиб, илғор бўлиб олишади", деб ҳисоблади. Хонада шовқин-сурон бошланиб кетди. Ҳамма ўз фикрини билдирди. Ҳар ким ўзича ҳақ эди.

Дарс тугади. Уйга қайтар эканман, замонамиз қаҳрамони ким экани ҳақида ўйлаб кетдим. Устозларимизнинг юрт озодлиги учун курашган, тинмай меҳнат қилган, бегуноҳ қатағон қилинган ёзувчи, шоир боболаримиз ҳақидаги ҳикояларини эсладим. У даврларни бугунги кун билан солиштириб қарайдиган бўлсак, осмон билан ерча фарқ бор.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Юртбошимиз томонидан Ватанимизнинг буюк келажаги тамойиллари ишлаб чиқилди. Ҳар бир соҳа бўйича ислоҳотлар амалга оширилиб, биз — ёшлар "Ўзбекистон" номини бутун дунёга машҳур қилишимиз учун барча имкониятлар эшиги очилди. Улуғ аждодларимиз номлари қайта тикланиб, қадамжолар обод этилди. Буларнинг барчаси кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда.

Биз радио эшиттиришлари, телевидение кўрсатувлари орқали, хорижий мамлакатлардаги аҳволга гувоҳ бўламиз, турли табиий офатлар, давлатлар ўртасидаги ўзаро низолар оқибатида юзага келаётган келишмовчиликларни кўриб, фикр қиламиз. Нохуш хабарлар барчамизни янада ҳушёрликка ундайди. Бошимизни баланд кўтариб: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз" дея олға қадам ташлашимиз учун ўзимизни чоғлаймиз.

Назаримда, замонамиз қаҳрамонлари — она юртимизнинг келажаги, истиқлолимизнинг боқийлиги учун туну кун ўзларини фидо қилаётган инсонлардир. Улар камтар, олижаноб ва самимий бўлганлари учун ҳам бошқалардан ажралиб туришмайди. Улар ўз бурчларини бажаряптилар, холос.

Латофат ИБРАГИМОВА,
ЎзМУ талабаси

Мулоҳаза, мушоҳада

Айбни фақат ёшлардан изламайлик

Ёшларга оид долзарб мавзулардан бири китобхонлик масаласидир. Албатта, бунга ҳар ким ўзича ёндашади. Катталар ёшларни китоб ўқимаётганликда, маънавий савиялари ҳаминқадар эканликда айблашса, айрим ёшлар вақтнинг тиғизлигини рўкач қилиб, ахборот технологиялари асрида китоб ўқишга у қадар ҳожат йўқлигини таъкидлашади. Айримлари эса...

"ЮБКА АФЗАЛМИ, КИТОБ?"

Яқинда бир курсдошимизнинг туғилган кунига бордик. Уйлари нақ сарой. Ҳашаматли меҳмонхона байрамона безатилган экан. Дастурхонда барча ноз-неъматлар муҳайё. Биринкетин биринчи, иккинчи, учинчи таомлар олиб келинди. Ширинликларнинг турфа хили тортиқ қилинди. Туғилган кун авжида, ҳамманинг иштирокида совға очиш(бу янги удум, шекилли) маросими бошланди. Дугонамиз совғаларни оча бошлади. Тоғасидан тилла занжир, акасидан қимматбаҳо сирға, эндигина 5-синфга борадиган укасидан "модний" сумка, ота-онасидан бир йилга етарли турли-туман кийимлар... Навбат курсдошларимизнинг соғаларига келди. Хушноза, Дилноза, Севараларнинг совғалари бутикдан олинган қимматбаҳо юбка бўлди. Камина эса унга ўзим ёқтирган китобни совға қилдим. Афсус, дугонам китобга қайрилиб ҳам қарамади. Секингина бир чеккага суриб қўйди. Очиғи, мен дугонамдан хафа бўлмадим, унга ачиндим, холос. Чунки инсондаги ақл-заковатни ҳеч қандай кийим, қимматбаҳо тақинчоқ билан бойитиб, сайқал топтириб бўлмайди.

КИТОБ ЯХШИ ДЎСТМИ?

Негадир китобга меҳрим баландлигиданми, ёшлар ўртасида унга бўлган муносабатни билгим келади. Китобни барча севиб мутолаа қилишини истаганим учун айрим ёшларнинг унга қизиқишини билишга ҳаракат қилдим.

Диёрбек, 17 ёш:

— Китоб ўқигандан кўра интернетдан тайёр материални оламан-у, шартта дарс жараёнида фойдаланаверaман. Бунинг учун соатма-соат китоб титкилаб, вақтимни ўтказиб нима қиламан?..

Шоира, 21 ёш:

— Китоб — яхши дўст. Уни ўқиб, ўрганиш, ундаги ҳикматларнинг мағзини англаш, шунинг баробарида уқиш ҳам зарур. Китоб бизга тенги йўқ мўъжизалар ҳадя этади. Яшашга, ҳаётдан лаззат олишга ўргатади. Тўғри йўлни танлашда, мустақил фикримизни шакллантиришда муҳим воситачи бўла олади. Унинг бизга нисбан заррача бўлса-да, ҳасади йўқ. У чин дўстдай меҳрибон, тўғри йўлга бошловчи посбондир.

Акмал, 21 ёш:

— Китоб ўқиш яхши ва мароқли. Аммо уларнинг нархи жуда қиммат. Фалон сўмга битта китоб олгандан кўра, бошқа ишга пулларимни сарфлаганим маъқул.

КАТТАЛАР ЁШЛАРНИ АЙБЛАШАДИ, БИРОҚ...

Назаримда, ҳар бир нарсага меҳр туйғусини уйғотиш оиладан бошланади. Чунки қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, ёшлар ҳам оиласида кўрганини қайтаришга ҳаракат қиладилар. Айрим ота-оналар китобларнинг қимматлигини баҳона қилишади-ю, ўзлари шоҳона базмларни уюштиришдан чарчамайдилар. Шундай катта-катта базмларга кетган филдай харажатнинг олдида кичик бир капалакдек китобга кетадиган пул қиммат бўлиб туюлади уларга. Нега катталар ёшлар ўртасида китобхонлик даражасининг тушиб кетишида фақат бизни айбдор кўрадилар. Ахир, уларнинг ўзлари ҳам бунга жиддий эътибор бермайдилар-ку?!

ХУЛОСА ЎРНИДА

Тўғриси, тенгдошларимнинг кўпчилиги китоб ўқиш зарурати ҳар доим ҳам бўлганлигини ва уни ўқишга барча бирдек масъул эканлигини алоҳида қайд этди. Аммо айримлари (уларнинг ичида юқорида мен таклиф қилинган туғилган кун соҳибаси ҳам бор) китобларнинг нархи жуда баландлигини, қандай китобни сотиб олиш зарурлигини билишмаслигини айтиб ўтишди. Айримлари техника ривожланган шундай замонда китобнинг мавқеи пасайиб кетганини таъкидлашди.

Балки, уларнинг гапида ҳам жон бордир. Аммо тан олайлик, ўша "қиммат" китоблар нархи биз доимий кундалик ичимлик учун сарфлайдиган пулдан анча арзон. Бу унинг ўқилмаётганлигига ишонарли баҳона бўлолмайди, назаримда. Қолаверса, энг катта кашфиётлару энг мукаммал технологияларнинг яратилиши ҳам шу китоблар туфайли дунёга келади.

Гўзал ЭРГАШЕВА,
Тошкент юридик коллежининг
2-босқич ўқувчиси

Юртбошимиз яқинда пойтахтимиздаги Хотира майдонида билдирган мулоҳазаларида ёшлар масаласига ҳам алоҳида тўхталдилар. Шуни фахр билан айтмоқчиманки, ҳар сафарги чиқишларида ёшларни қўллаб-қувватлашимиз, уларга ишонч билдиришимиз керак, деган фикрни илгари сурадилар. Бу эътибор ва ғамхўрликни кундалик ўқишимиз давомида ўз кўзимиз билан кўраяпмиз, сезаяпмиз.

Ишончга муносиб бўлиш — бахт

Бобом ҳар гал дуога қўл очганида "Тинчлигимизга, осойишталигимизга ҳеч қачон кўз тегмасин" дея ният қиладилар. Биз, набираларига эса "Сизларга яратиб берилаётган имкониятлар ҳеч бир замонда бўлган эмас, буни дилдан ҳис қилиб, қадрига етинглар. Яхши ўқиб, юртимизга муносиб фарзанд бўлинглар" дейдилар. Уларнинг айтишича, бугунги ёшлар ўзлари орзу қилган тинч-осойишта замонда яшаб, замонавий таълим муассасаларида ўқишяпти. Ҳаққи рост гап. Биргина мисол, ўзим таҳсил оладиган коллеждаги ахборот-ресурс маркази энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган, бадиий ва ўқув адабиётлари етарли. Устозларимиз ҳам бир-биридан меҳрибон. Хуллас, мукаммал таълим-тарбия олишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг мулоҳазаларини эшитиб, шундай хулосага келдим: ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она юртимизни, ота-онамизни, акаукаларимизни асраб-авайлашимиз керак, уларга ҳар дам кўмак беришимиз шарт. Ўйлашимча, истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиш, яхши ўқиш, ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, ҳурмат қилишимиз билан бизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишимиз мумкин.

Моҳинур ЎКТАМЖОНОВА,
Тошкент юридик коллежи ўқувчиси

Матбуот шарҳи

“Зарафшон” ибрати

“Зарафшон” вилоятларимизда нашр этилаётган газеталар орасида ўзининг салмоқли сўзи, услуби, вилоят ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётини ёритишдаги янгича ёндашуви билан алоҳида ажралиб туради. Газета саҳифаларида эълон қилинаётган материалларда мавзу ва жанрлар хилма-хиллиги, таҳлил ва талқиндаги ўзига хослик, давлат ва жамоат ташкилотлари, ижодий уюшмалар билан самарали ҳамкорлик, жамоатчи мухбирлар билан ишлаш, таҳририятга йўлланаётган хат-хабарларга жиддий эътибор ва бошқа ижобий жиҳатларни кўриш мумкин. Газета ўз сўзининг таъсирчанлиги ва самарадорлигига эришиш учун бир қатор ижодий-ташкилий тадбирларни амалга ошираётгани ҳам эътиборга молик.



Эътироф этиш керакки, чоп қилинаётган материалларга ўқувчи ва жамоатчиликнинг муносабатини аниқлашга, улардан олинган хатларни эълон қилиб, кўрилган чора-тадирлардан газетхонларни хабардор қилишга етарли эътибор бермайдиган нашрлар ҳам бор. Баъзан ҳатто танқидий материаллар, камчилик ва нуқсонларнинг ошкор қилиниши қандай натижа бергани номаълумлигича қолиб кетади. Ҳолбуки, бирор муаммони газета саҳифаларига олиб чиқишнинг ўзи билан иш битмайди. “Зарафшон” газетасининг бу борадаги тажрибасини эса ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мумкин.

Газета материалларида қуруқ мақтов, юзаки эътироф деярли учрамайди, мақолаларда танқидий таҳлил, ошкоралик, камчиликларни рўй-рост кўрсатиш, газетхонни фикр-мулоҳазага ундаш устуворлик қилади. Буни газетанинг 2012 йил 31 январь сонида эълон қилинган мақолаларнинг сарлавҳаларидан ҳам билса бўлади: “Жоҳиллик эмас, маърифат тарғиб этилиши керак”, “Нафс қулига айланган таъмагирлар”, “Сизни она дейишдан уяламан”, “Чет тилини қандай ўргатаяпмиз?” — бу материаллар газетхонни бефарқ қолдирмайди.

“Ўн саккиз ёшли йигит оила бошқаришга тайёрми?” (2012 йил, 2 февраль) — луқма шаклида ёзилган чоққина мақола. Аммо унда ўта жиддий мулоҳаза бор: коллежнинг иккинчи босқичида ўқиётган қиз билан учинчи босқичда таҳсил олаётган йигит оила қуришибди. Тўйда пойтахтдан келган номдор хонанда қўшиқ куйлабди, нуфузли меҳмонлар келин-куёвлар шарафига қадаҳ кўтаришибди. Аммо... орадан ҳеч қанча ўтмай, ёш оила барбод бўлибди. Мақола муаллифи савол қўяди — бу икки ёш оила қуриш, ота-она бўлиш, фарзанд тарбиялашдек масъулиятли вазифага тайёрмидилар ё тўйни тезроқ ўтказиш ота-оналарининг ҳавасимиди?

Афсуски, бу жиддий муаммо хусусида матбуотимиз жуда кам ёзади. Ёш оилаларнинг бузилиб кетаётгани тўғрисида маълумотлар етарли, аммо бу нохушликнинг асл сабабларини очиб берувчи таҳлиллар йўқ ҳисоби.

Газетанинг шу сонида эълон қилинган “Мадҳияни билмайдиганлар”, “Эътиқоди мўрт кимсалар” сарлавҳали мақолалар ҳам эътиборни тортади. Газета мухбири А.Қодировнинг “Бахтли бека бўлиши мумкин эди” сарлавҳали мақоласи инсонийлик қиёфасини йўқотиб, ёш қизларни алдаб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилаётган аёллар тўғрисида. “Йўлдан адашган ўспиринлар”да (2012 йил, 21 январь) тўғри йўл қолиб, жиноят кўчасини танлаган кимсаларнинг кирдикорлари фош этилади. “Жаҳл чиқса...” ичкилик оқибатида юз берган бир мудҳиш жиноят хусусида. “Ота бошим эгилмасин деса...” мақоласи (2012 йил, 26 январь) таъсирчан мушоҳадаларга бойлиги билан ўқувчи эътиборини тортади.

Газетада “Раҳбарга саволингиз борми?” рукни ташкил этилган бўлиб, унда вилоят миқёсидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг газетхонларнинг саволларига жавоблари мунтазам ёритиб келинади. Очиқ айтиш керакки, бу анча журъат талаб қилади-ган иш. “Зарафшон”чилар бу масъулиятли вазифани талаб даражасида бажариб келишмоқда. Чунончи, газетанинг 2012 йил, 26 январь сонида эълон қилинган “Зарафшон” ўқувчиларининг саволларига вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Мухтор Рустамовнинг жавобларида соҳада амалга оширилаётган ишлар, шу билан бирга, ҳал этилмаган муаммолар, улар юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида батафсил маълумот берилади.

Ишга бундай ёндашув, доимий изланиш, касб маҳоратини ошириб бориш газета фаолиятининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, ўқувчида ўзи мутолаа қилаётган нашрга нисбатан ишонч пайдо бўлади. Янада муҳими, газета ютуқларни эътироф этиш билан бирга, камчиликлардан кўз юммай, уларни дадиллик балан кўтариб чиқса, муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этса, газетхонларнинг хат-хабарлари, айниқса, танқидий мулоҳазаларини эътиборсиз қолдирмаса, таҳририятнинг жамоатчилик билан алоқаси ижобий самара беради. Бундай ҳамкорликка эришмай туриб, журналистикада жиддий ютуққа эришиш қийин. Жойлардаги камчиликлар, раҳбарларнинг тўрачилиги, турли таъмагирликлар тўғрисида ёки ибратли ишлар ҳақида таҳририятга хабар йўллаётган, аммо улардан бирортаси ҳам босилмаган ҳаваскор мухбирнинг матбуотдан ҳафсаласи совийди. Бунинг акси бўлса — ёзганлари пешма-пеш чиқиб турса, газета яна бир жамоатчи, уйғоқ мухбирни тарбиялаган бўлади.

Гулруҳ Мўминованинг “Туғуруқдан кейинги машмашалар” сарлавҳали мақоласи (журналист суриштируви) таҳририятга келган шикоят мактуби асосида тайёрланган. Мухбир суриштирув давомида оналар ва болалар саломатлигига доир бир қатор муаммоларни аниқлайди.

Газетада ҳар ойда бир марта “Газета ва газетхон”, “Инсон ва қонун” (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда), “Оила даврасида”, “Спорт ва саломатлик” саҳифалари чоп этилади. Газетхонлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, уларга фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилишлари учун “Муштарий фикри”, “Виждоннинг бугунги сўроғи”, “Ким қилади-я шугинани-я?”, “Бир мавзуда икки фикр”, “Хат таҳрирсиз босилмоқда”, “Ишонч телефонига айтишларича” каби янги рукнлар ташкил этилган. Ишда самарадорликка эришиш, жанрлар хилма-хиллигини бойитиш ва мақолалар географиясини кенгайтириш мақсадида ҳар бир бўлим ўз йўналишида фаол жамоатчи мухбирлар гуруҳига эгаки, бунинг натижаси ўлароқ, газетага ҳар ойда муштарийлардан 220-250 та хат-хабар олади.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг ёрдами билан газетанинг интернетдаги электрон манзили ва веб-сайти очилган, материаллар ҳафта давомида уч марта янгиланади.

Газетага анча йиллардан бери раҳбарлик қилиб келаётган истеъдодли публицист ва адиб Фармон Тошевнинг “Журналистнинг нони қаттиқ” сарлавҳали рисоласини ўқиб, “Зарафшон”чилар эришаётган ютуқларнинг мағзини чақиш мумкин. Мана, муҳаррирнинг айрим фикрлари: “Журналистнинг обрўсини унинг нашри, ёзган мақоласигина эмас, балки ахлоқ-одоби, маданияти, жамоат жойида ўзини тутиши ҳам белгилайди”, “Ҳасад ва кўролмаслик, тарафкашлик журналистга обрў келтирмайди, айниқса, бу иллат икки қаламкаш ёки икки нашр ўртасида рўй берса, ҳеч ким фойда кўрмайди. Бир газета танқид қилган кимсани иккинчи мухбир “гиж-гиж”-лаб турса, бундан ёмони йўқ. Айрим идора раҳбарлари танқидга учрагани учун қасд олиш мақсадида биримизни биримизга тезлаб юради. Бундай ҳолларда қизишмасдан, босиқлик билан иш тутмоқ лозим”, “Яқинда Иштихон туманида бўлганимда ҳокимликка бир ҳафтада ўн етти марта мухбир келганини эшитдим. Қўшработ, Нуробод деган жойларга улар йиллаб қадам босишмайди. Биргина Самарқандда пойтахт нашрлари мухбирларининг сони йигирмага яқинлашиб қолди. Айрим газеталарнинг деярли ҳар бир туманда вакили бор. Натижада сафимизга ижоддан йироқ, фақат “пул тушириш”га ихтисослашган “мухбир”лар бемалол кириб келишмоқда...”

Бу гаплар бежиз эмаслиги кўпчилигимизга аён. Журналистикада обрў йиллар давомида тўпланади, аммо уни бир номуносиб хатти-ҳаракат билан йўқотиш мумкин. Боз устига, бирнинг касри мингга уради.

Бугун газета ёки журнал жамоасига бошчилик қилиш учун ижодий иқтидордан ташқари, раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти ҳам бўлиши керак. Муҳаррир ҳар бир ходимнинг иқтидори ва қизиқишини яхши билса, уни меҳнат натижаларига қараб моддий ва маънавий рағбатлантирса, самара, шубҳасиз, талаб даражасида бўлади. Буни “Зарафшон” газетаси мисолида яққол кўриш мумкин. Таҳририят аъзолари эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолмай, газетани янада ўқишли ва қизиқарли бўлишига эришиш, матбуот сўзининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш йўлида бундан буён ҳам хормай-толмай изланадилар, деган умиддамиз.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Ғолиблар ҳақида ҳикоялар

Ҳаётини халқ осойишталиги, юрт тинчлигини таъминлашдек шарафли ишга бағишлаган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмайди. Жасур ва мард ўғлонлар миллат кўрки, мамлакат фахридир. Халқимиз ана шундай фарзандлари борлигидан қувонади, қалбида ғурур ва ифтихор ҳиссини туяди.

Рағбат унумли меҳнатга ундайди

Яқинда, аниқроғи, шу йилнинг 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунида ўтказилган мамлакатимиз журналистларининг энг нуфузли — «Олтин қалам» VII Миллий мукофоти учун халқаро танловида ғолибликни қўлга киритганлар орасида биз юқорида санаб ўтган хислатлари билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонган Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот бўлинмаси катта инспектори, подполковник Мансуржон Рихсиевнинг ҳам борлиги барчамизни бирдек қувонтирди.

Мансуржон Рихсиевда журналистикага бўлган қизиқиш, кучли иштиёқ болалик йилларидаёқ уйғонди. Бунда унинг отаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, узоқ йиллик тажрибага эга журналист Носир Рихсиевнинг ўрни катта бўлди.

Ота изидан бориб, журналистлик касбини эгаллаган Мансуржон аввалига пойтахт вилоятининг туманларидан бирида «Шонли меҳнат» газетасида ишлади. Бу ерда оддий мухбирликдан иш бошлаган ёш мутахассис қисқа муддатда бош муҳаррир ўринбосари лавозимигача бўлган ижодий йўлни босиб ўтди. Бу даврда у қоидабузарликлар ва уларнинг олдини олиш юзасидан туман йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишларни газета саҳифаларида мунтазам ёритиб турарди.

— Ҳозир истеъфода бўлган подполковник Ҳакимжон ака Ёдгоров ўша йиллари туман ИИБ ДАН бўлими бошлиғи эди, — деб эслайди М.Рихсиев. — Газетада ҳаракат хавфсизлиги мавзуидаги мақолаларимни ўқиб юрган Ҳакимжон ака мақолаларда кўпроқ нималарга эътибор қаратиш кераклигини эринмасдан тушунтириб берарди. Шу орада туманда «жамоатчи автоинспектор» хизмати ташкил этилди. Мен ҳам улар сафидан жой олдим...

1991 йилда ИИВ ДАНБ (ҳозирги ЙҲХББ) томонидан ҳаракатланиш хавфсизлиги мавзусидаги энг яхши мақолалар учун танлов эълон қилинди. Танловда қатнашган М.Рихсиев биринчи ўринни эгаллади. Шундан кейин унинг мазкур соҳага бўлган қизиқиши янада ортди ва келгуси йили у ИИВ ДАНБнинг тарғибот-ташвиқот бўлими инспектори лавозимига ишга қабул қилинди.

Танлаган соҳасига меҳр қўйгани учун ҳам дастлабки кунларданоқ масъулият билан хизматга киришди. Зиммасига юклатилган барча вазифаларни бенуқсон уддалаш мақсадида тинмай меҳнат қилди. Жумладан, соҳани ислоҳ этиш бўйича ҳужжатларни тайёрлашда фаол иштирок этди. Шунинг учун ҳам тез орада ҳамкасблари ҳурмат-эътиборини қозонди.

— Эътироф этиш лозимки, Мансуржон Рихсиев телевидение ҳамда радио билан ижодий ҳамкорликда бир қатор кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаб, аҳоли ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларини кенг кўламда тарғиб қилиб келмоқда, — дейди ИИВ ЙҲХББ матбуот бўлинмаси бошлиғи, подполковник Анвархўжа Сулаймонхўжаев. — Айниқса, «Ахборот», «Давр» ва «Ассалом, Ўзбекистон!» каби дастурлардаги чиқишлари ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Шунингдек, бевосита М.Рихсиев томонидан мактаб ўқувчиларига мўлжалланган бир қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилган, йўл ҳаракати хавфсизлигини тарғиб қилувчи ҳужжатли ва бадиий фильмлар яратилган.

Қаҳрамонимизнинг ташаббуси ва бевосита муаллифлигида Ўзбекистон телевидениеси орқали мунтазам равишда эфирга узатиб келинаётган «Чорраҳа», «Автопатруль» кўрсатувлари кўпчиликнинг эътиборига тушган. Бундан ташқари, у республика ёш автоназоратчиларининг «Яшил чироқ» телевизион кўрсатуви бошловчиси ва ҳаками ҳисобланади.

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш йўналишида олиб борган ишлари «Антик дунё» халқаро илмий академияси эътиборига тушиб, муносиб баҳоланди. 2011 йилнинг 15 март куни академия томонидан унга докторлик унвони берилди. Мана энди журналистика соҳасидаги «Олтин қалам» VII миллий мукофоти учун халқаро танловининг «Фаол фуқаролик позицияси учун» номинацияси ғолиби бўлиб, мамлакатимиз журналистларининг энг олий мукофоти совриндорига айланди.

— Берилган бу юксак мукофот биргина менинг хизматимга эмас, балки барча ҳамкасбларимнинг шарафли меҳнатларига берилган баҳо, деб биламан, — дейди Мансуржон Рихсиев мамнуният ила. — Маълумки, ҳар қандай рағбат кишини янада унумли, самарали меҳнат қилишга ундайди. Мен ҳам бутун куч ва билимимни мамлакатимиз автомобиль йўлларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга сарфлайман.

ИИВ матбуот хизмати

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

“Оила даврасида” – янги нашр

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони яна биттага кўпайди. “Оила даврасида” ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетасининг илк сони 100 минг нусхада чоп этилди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан оилани мустаҳкамлаш, оила институтини ривожлантириш масаласига истиқлолнинг илк кунларидан устувор аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самаралари аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу ишларда ўз ифодасини топаётир. Мустаҳкам оила йилида мазкур йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Оила — жамиятнинг энг муҳим бўғини, миллат давомчилари тарбия топадиган маскан. Оилага эътибори баланд халқнинг эртаси обод, давлати қудратли бўлади, миллий ўзлиги завол билмайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор.

“Оила даврасида” газетаси жамиятимизда оила институтини, эзгу қадриятларни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни тарғиб этиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, азалий қадриятларимизга чуқур ҳурмат, соғлом ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишни ният қилган. Газета давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилди.

Янги нашрда мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, азалий миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, оила аталмиш муқаддас қўрғонни мустаҳкамлаш масалаларини кенг ёритиш, турли жанрдаги қизиқарли материалларни чоп этиб бориш кўзда тутилган. Халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилага оид қадриятларнинг тарғиботи аҳиллик ва иноқлик, садоқат ва меҳр-мурувват каби эзгу инсоний фазилатларнинг жамиятимизда янада мустаҳкамроқ қарор топишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Янги газета мамлакатимиздаги барча оилалар даврасида севиб ўқиладиган қадрдон нашрга айланади, деган умиддамиз.

ЎзА

Нашр

Юртимиздаги ёш авлоднинг маънавиятини ўстиришда, интеллектуал салоҳиятини оширишда болаларнинг севимли нашри бўлган “Гулхан” журналининг аҳамияти катта. Нашр саксон уч йилдан буён ёшлар онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, маданий-тарихий мерос ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништириш, улардаги ижод куртакларини парваришлаш, рағбатлантириш, миллий ифтихор, Ватанга садоқат, мустақиллик туйғусини шакллантириш, спорт билан мунтазам шуғулланишга чорлашда пешқадамликни бермай келмоқда.

Спортга меҳр уйғотиб

Яқинда таҳририят жамоаси ибратли ишга қўл урди. Журналнинг апрель сони болалар спортига бағишланди. Ундан ўрин олган “Чемпионлар мактаби”, “Бадиий гимнастика ҳайратлари”, “Навқиронлик калити”, “Олмаликликлар қувончи”, “Белида белбоғи бор бола” каби мақолалар ўзининг ўқишлиги, қизиқарлилиги билан ўқувчиёшларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз. Бу, ўз навбатида, уларнинг қалбида спортга меҳр уйғотиб, ҳам маънан, ҳам жисмонан етук фарзандлар бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Журнал мухбири Ф.Эшмўминовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Очилов билан қилган суҳбатида ўқувчиёшларнинг турли спорт тўгаракларига кенг жалб қилинаётгани, имконияти чекланган ва ногирон болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратиб берилаётгани қайд этилиб, бунинг исботи сифатида қатор факт ва рақамлар келтирилган.

Нилуфар Мўминованинг “XXI аср полвони” мақоласида юртимизнинг фахри бўлган курашчи — Абдулла Тангриевнинг спортда эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Журналдан, шунингдек, жаҳон спорти юлдузларидан бири Майк Тайсон ҳақидаги мақола ҳам ўрин олган. Унда “чарм қўлқоп” устасининг ҳаёти ва спортдаги фаолиятидан тафсилотлар берилган.

Тўғри, нашрда айрим жузъий хатолар ҳам йўқ эмас. Умид қиламизки, “Гулхан” бундан кейин ҳам сермазмун ва қизиқарли мақолалари билан ўқувчиёшлар қалбидаги иштиёқни аланга олдираверади.

Давронбек ОРИПОВ,
“Hurriyat” мухбири

Дараклар

ПАРВОЗ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Куни кеча «Бойқўнғир» космодромидан «Союз ТМА-04М» космик кемасининг парвози амалга оширилди. «РИА Новости» агентлигининг хабар тарқатишича, парвоз муваффақиятли якунланган.



«Союз ТМА-04М» космик кемаси бортидан россиялик космонавтлар Геннадий Падалка ва Сергей Ревин ҳамда НАСА астронавти Жозеф Акабалар ўрин олган. Улар Халқаро космик станция (ХКС)да ишлаётган космонавтлар — Олег Кононенко («Роскосмос»), Андрэ Кауперс (Европа космик агентлиги) ва Дональд Петтита (НАСА) сафига қўшиладилар.

Экспедиция аъзолари 126 кун мобайнида экология ва тиббиёт соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб боришади.

Космик кемани ХКСга туташтириш 17 май кунига режалаштирилган.

ИТАЛИЯ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ РЕЙТИНГИ ПАСАЙТИРИЛДИ

«Moody's» агентлиги Италиянинг 26 та банк муассасасининг кредит рейтингини туширди. Агентлик тарқатган хабарда рейтинг кўрсаткичлари манфий экани, мазкур молия муассасаларининг кредит салоҳияти даражаси яқин орада яна пасайиши мумкинлиги айтилган.



Ҳатто мамлакатдаги энг йирик банклар — «UniCredit» ва «Intesa Sanpaolo» банклари кредит рейтинги ҳам пасайган. Уларнинг рейтинги бир поғона, яъни А3 босқичидан А2 га туширилган. Ваҳоланки, мазкур икки банк бутун мамлакат банк-молия соҳасининг учдан бир қисмини назорат қилади.

«Moody's» агентлиги таҳлилчиларининг фикрича, бунга Италия банкларининг молиявий танглик давридаги иқтисодий заифлиги сабаб бўлган. Бу эса, ўз навбатида, келгусида банклар даромадининг кескин камайиши ва ҳатто «синиши»га олиб келиши мумкин.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҚАЕРДА ЎТКАЗИЛАДИ?

2014 йилда Белорусь пойтахти — Минск шаҳрида хоккей бўйича жаҳон чемпионати ўтказилишига соя тушди. Яқинда АҚШ конгрессининг бир гуруҳ аъзолари Халқаро хоккей федерациясига расмий мурожаат билан чиқиб, мусобақага мезбонлик қилиш ҳуқуқини Белорусдан олиб қўйишни сўраган.

Конгрессменлар ўз талабларига мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя қилинмаётганлиги, ўтказилаётган сайловлар халқаро талабларга жавоб бермаслиги каби омилларни рўкач қилишмоқда. Шу боис, Халқаро хоккей федерацияси Минскда жаҳон чемпионатини ўтказиш ёки ўтказмаслик масаласини қайтадан кўриб чиқиши лозим бўляпти.

АҚШ конгрессининг 28 нафар аъзоси томонидан имзоланган мурожаатномалар миллий хоккей федерацияларига ҳам юборилган.

Хоккей бўйича жаҳон чемпионати ўйинлари 2014 йилнинг май ойида Минскда ўтказилиши режалаштирилган эди. Бу ҳақдаги қарор Халқаро хоккей федерацияси конгрессининг 2009 йилда бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинган.

ДУНЁНИНГ ЭНГ БЎЙДОР ОДАМИ УЙЛАНМОҚЧИ

Ҳозирги пайтда дунёнинг энг бўйдор одами туркиялик Султон Козен ҳисобланади. У 2 метру 51 сантиметр кўрсаткич билан «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олган. Энг ҳайратланарлиси, 29 ёшли Султоннинг бўйи ҳамон ўсишда давом этмоқда.



Султон Козен фермер оиласида туғилган. Болалик йилларида гипофиз (мия остидаги ўсишга таъсир кўрсатувчи ички секреция бези) касаллиги билан оғриган. Айни шу хасталик туфайли унда нонормал гормоник ўзгариш кузатилган. Натижада 27 ёшида Султон Козеннинг бўйи 2 метру 47 сантиметрга етган.

Айтганча, «гигант одам» товонининг узунлиги 36,6, кафтининг узунлиги эса 28,5 сантиметрга тенг. Демак, у бу борада ҳам рекорд «ўрнатган», десак бўлади.

Айни пайтда С.Козен врачларнинг тавсиясига биноан ҳасса ёки қўлтиқтаёқлар ёрдамида юришга мажбур. Акс ҳолда, оғир гавдаси унинг тизза бўғинларини шикастлаб қўйиши ҳеч гап эмас. Шифокорлар, шунингдек, туркиялик бўйдорнинг кўриш соҳасида ҳам муаммолар борлигини аниқлашган.

«Ҳозир менинг биттаю-битта ниятим — уйланиш, — дейди у оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида. Ишонаманки, машҳурлигим бу ниятимга эришишимда менга ёрдам беради». Қизиқ, баҳайбат йигитга муносиб қиз топиларми-кан?..

КАМДАН-КАМ УЧРАЙДИГАН ВОҚЕА

Ҳиндистонда ҳаётда камдан-кам учрайдиган воқеа содир бўлди. Яъни эртакларда ўқиганимиз — бир кўзли чақалоқ дунёга келди. Афсуски, бахтсиз болакай бор-йўғи бир кун яшади, холос.



Хабарларда қайд этилишича, шифокорлар болани туғилиши қийин бўлгани сабабли она қорнини ёриб олишган. Текширувлардан сўнг бола циклопия касалига учрагани маълум бўлган. Айтиш мумкинки, шифокорлар бу касалликка тиббий амалиётда жуда кам дуч келадилар.

Уларнинг фикрича, бир кўзли боланинг туғилишига мутация ёки она организмининг ҳомиладорлик даврида ўткир кимёвий моддалар билан заҳарланиши сабаб бўлган. Аммо ҳозирча бу борада аниқ бир тўхтамга келингани йўқ.

Шарҳ

Маънавий тарбиядаги кемтиклар

Юртбошимиз шу йил 9 май куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросимда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, жаҳонда ва ён-атрофимиздаги мавжуд вазият ҳақида ўта муҳим ва долзарб фикрларни баён этдики, бу бизни лоқайд ва бепарво бўлмасликка, юртимизда, минтақамизда, ер юзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдор бўлиб яшашга яна бир бор ундаши билан аҳамиятлидир.





Давлатимиз раҳбари ўз сўзида ғоят муҳим мавзуга, яъни мудҳиш ва аёвсиз урушнинг такрорланмаслиги учун унинг илдизлари яна униб чиқишининг олдини олиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганига жиддий эътибор қаратди.

Инсониятга мисли кўрилмаган азият етказган, миллионларнинг ёстиғини қуритган фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳали 70 йил тўлгани йўқ. 1945 йил уруш якунлангач, дунё халқлари нафақат фашистларнинг ҳарбий армадаси, балки ўзгаларга нафрат билан қараш, одамларнинг ижтимоий келиб чиқиши, этник мансублиги, ирқи, динига қараб ўлдиришга даъват этадиган фашистик идеологиянинг ўзи ҳам таг-томири билан маҳв этилганига ишонганди. Тарихдаги энг даҳшатли қирғинбаротни бошдан кечирган инсоннинг кўзи очилади ва энди ҳеч қачон вайронакор ғоя ва шиорларга йўл бермайди, деган фикрлар ҳам йўқ эмасди. Афсуски, тарих ғилдираги ҳар доим ҳам бир томонга айланавермас экан.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, миллионлаб одамларнинг иш илинжида бир мамлакатдан бошқа бир мамлакатга миграцияси, экстремистик йўналишдаги диний ва миллатчилик руҳидаги қарашлар, у билан боғлиқ халқаро террорчиликнинг тарқалиши каби омиллар ривожланган жамиятларда ўзга миллатларга нисбатан тоқатсизлик ва нафратнинг кучайишига туртки бўлаяптики, бундай иллатдан ҳатто ўзини демократ санайдиган давлатларни ҳам четлаб ўтмаяпти. Жуда кўп ҳолларда миллатчилик тенденцияси ўтмишда тажрибада синалган ғояга таянаётгани ҳам сир эмас. Натижада XXI аср бошларида дунёнинг турли нуқталарида ксенофобия, миллатчилик, антисемитизм, ирқчилик иллатлари урчий бошлади. Шаҳарлар кўчалари бўйлаб одамларни қўрқувга солаётган тўдалар пайдо бўлдики, улар ҳатто ранги, дини, миллати бошқа одамларни кўчаларда уриб ўлдиришдан, ёқиб юборишдан ҳам тоймаяптилар.

Германияда национал-социализмнинг ижобий томонлари бўлганми, деган мазмунда ўтказилган сўровларга кўра, респондентларнинг чорак қисми «ҳа бўлган» деб жавоб қайтаришган. Францияда ўтказилган президентлик сайловида эса ўта миллатчи Ж.-М. Ле-Пен партияси учинчи ўринни забт этди. Австрияда ҳам сўнгги сайловда ўта ўнг миллатчилар 30 фоиз овоз тўплагандилар. Марказий ва Шарқий Европа давлатларида эса халоскор аскарлар хотирасига қўйилган ёдгорликлар, қабрлар таҳқирланаяпти. Бундай мисолларни яна юзлаб келтириш мумкин. Биргина Интернетда зўравонликни тарғиб этувчи 5 мингга яқин сайтлар мавжудлиги, Чехия, Польша, Украина, Болтиқбўйи давлатларида иккинчи жаҳон урушидаги қирғинни рад этадиган фашистик ячейкалар пайдо бўлгани, Европарламентда миллатчилик кайфиятидаги партиялар олган ўринлар сонининг ошиб бораётгани ҳам хавотир уйғотмай қолмайди. Улар орасида Венгриянинг «Фаровон Венгрия учун» (Jobbik, унинг таркибида ярим ҳарбийлашган «Венгер гвардияси» бўлинмаси мавжуд бўлиб, аъзолари фашистларга хос форма кийишади), «Дания халқ партияси», Италиянинг «Шимолий лига», Голландиянинг Озодлик партияси, Болгариянинг «Ҳужум миллий иттифоқи» миллатчи партиялари мавжуд.

Хўш, миллатчи ва ирқчи партияларнинг Европарламент сайловларида муваффақият қозонаётганининг сабаби нимада? Таҳлилчилар фикрича, бунга глобал иқтисодий инқироз, унинг ортидан кузатилаётган инфляция ва ишсизликнинг ошиши, ҳаёт турмуш даражасининг пасайиши сабаб бўлаяпти. Ҳар қандай мамлакатнинг туб аҳолиси ўз бошига тушган моддий қийинчиликларда муҳожирларни айблаши бор гап. Гўёки, келгиндилар туб аҳолини иш ўринларидан маҳрум қилаяпти, уларнинг маданий ва миллий анъаналарига раҳна солмоқдалар. Ҳокимиятга интилаётган айрим партиялар раҳбарлари ўз мақсадлари йўлида муаммони бўрттириб кўрсатишга, аҳолини муҳожирларга қарши кайфиятни кучайтиришга уринаётгани эса оловга мой сепгандек бўлаяпти. Афсуски, таҳлилчилар айтаётганидек, муаммога фақат инқироз сабаб бўлаётгани йўқ. Маънавий таназзул ҳам муаммо кўламининг ортиши сабабларидандир. Олайлик, Европа тарихидаги энг йирик террорчилик ҳаракатларидан бирини содир этган Андерс Брейвик янги бир тушунчани — Брейвик синдромини юзага келтирди. Ушбу хавф Европа учун энг катта таҳдид, дея баҳолай бошланди. 2011 йилнинг июль ойида Утойя оролида Ишчилар партиясининг ёшлар лагерида 69 нафар кишини ўққа тутиб, мамлакат пойтахтида бир қатор портлашларни амалга оширган ушбу шахс ҳеч иккиланишларсиз ўз қилмишини "Европанинг кўзини очиб қўйиш" мақсадида амалга оширганини таъкидламоқда. Бу, ўз навбатида, Европа мамлакатларидаги радикал гуруҳлар, хусусан, ёшлар орасида унинг фаолиятини қўллаб-қувватловчиларнинг кўпайишига олиб келаяпти. Умуман, Андерс Брейвик содир этган жиноят шунчаки Европа мамлакатларида иммиграцияга нисбатан шаклланаётган ахлоқ эмас, балки қитъада маданий қарашларнинг, ахлоқий мезонларнинг емирилаётганидан ҳам далолат бераяпти. Чунки Ғарбга хос бўлган турмуш тарзи, ҳаёт қадриятлари, индивидуализм охир-оқибат пуч бўлиб чиқаяпти.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хоҳлаймизми-йўқми, жамиятдаги барқарорликни, мувозанатни ахлоқий меъёрлар, маънавий қадриятлар орқалигина таъминлаш мумкин. Агар Европа бугун ўз тарбия мактабини қайта кўриб чиқмас экан, бундай ваҳшийликларга ҳали жуда кўп марта дуч келиши мумкин. Франциянинг Тулуза шаҳрида мактаб ўқувчиларига қарата отилган ўқлар ёмғири ҳам бунга мисол бўла олади. Брейвик синдромининг ягона давоси, шубҳасиз, маънавий тарбиядаги кемтикларни тўлдиришдир.

Неонациятик кайфиятнинг иккинчи жаҳон урушидан энг кўп азият чеккан, миллионлаб фуқароларини бой берган Россияда ўсиб бораётгани ҳолатлари ҳам ачинарлидир. Эътироф этиш керак, бугунги кунда Россияда шиори рус миллатига мансуб бўлмаганларни ўлдириш ҳисобланган скинхедларнинг юзлаб майда гуруҳлари деярли очиқ ҳолда фаолият юритмоқда.

Россия Бош прокуратурасининг тергов қўмитаси маълумотига кўра, сўнгги беш йил ичида миллий нафрат асосидаги жиноятлар тўрт бараварга кўпайган. Биргина 2009-2010 йилларда мамлакат бўйлаб 500 дан ортиқ ирқчилик асосидаги жиноятлар содир этилган.

Мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари фикрича, миллий нафрат асосидаги жиноятлар кўлами, расмийлар келтираётган рақамлардан бир неча баробар кўп. Ўзаги асосан ёшлардан иборат бўлган экстремистик йўналишдаги ташкилотлар ўз жиноий фаолиятларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишади. Бугунги кунда Россияда миллий нафрат тарқатувчи 500 дан ортиқ интернет веб сайтлари мавжудлиги ҳам муаммонинг нақадар долзарблигини кўсатиб турибди. Тўғри, бугунгача Москвадан тортиб чекка ҳудудларга қадар миллатчи ва тақирбош ташкилотларнинг ўнларча аъзолари қўлга олинган ва судларга тортилган. Аммо, славян қиёфасига мос бўлмаганларни ўлдириш, калтаклаш, мусулмон ва яҳудийлар қабристонларини вайрон этаётган тақирбошлар томонидан содир этилаётган жиноятларни таг-томири билан қўпориб ташлашнинг иложи топилмаяпти.

Муаммо шундаки, миллатчи неофашистик гуруҳлар бўшлиқда яшашмайди. Улар жамиятдаги кучли ирқчилик кайфиятига суянишади. Токи Россия жамиятида ксенофобия, яъни миллатчилик кайфияти даражаси пасайтирилмас экан, бундай фашистик ташкилотлар йўқолмайди, улар содир этаётган жиноятлар кўлами ҳам пасаймайди», дейди «Сова» инсон ҳуқуқлари ташкилоти вакили Галина Кожевникова.

Бугун дунё ва атрофимизда кечаётган мураккаб жараёнлар, у ёки бу мамлакатда ирқчилик, миллатчилик, шовинистик, диний тоқатсизлик кўринишидаги жиноятларнинг ортиб бораётгани, алкоголь ичимликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётган ёшлар сони кўпаяётгани маънавият ва маърифат масалаларига эътиборсизлик ҳар қандай давлат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини хавф остига қўйиши ва охир-оқибатда жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши таҳдид пайдо бўлса, ўзининг бугунги куни ва истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши, унинг олдини олиш учун кераклі чораларни кўриши шарт.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

ФРАНЦИЯ БЮДЖЕТИ 50 МИЛЛИАРД ЕВРО ЗАРАР КЎРИШИ МУМКИН

Мабодо Греция ЕИнинг ягона пул бирлиги — евродан воз кечадиган бўлса, бу Францияга қимматга тушиши турган гап. Аниқроғи, мамлакат бюджетига етадиган зарар миқдори 50 миллиард еврони ташкил этади.

«France-Presse» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, мамлакат молия вазири Франсуа Баруэн бу ҳақда «Europe 1» радиосига берган интервьюсида алоҳида тўхталган. Вазирнинг билдиришича, Грецияда фаолият кўрсатаётган ёки ушбу мамлакатга ўз сармоясини киритган француз компаниялари ҳам жиддий зарар кўриши мумкин. Негаки, Франция худди Германия сингари Греция молиявий қўллаб-қувватлаб келаётган давлатлар сирасига киради.

Грециянинг евроҳудуддан чиқиши тўғрисидаги гап-сўзлар бундан икки йил олдин пайдо бўлганди. Ўшанда оғир аҳволда қолган мамлакат ҳукумати Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта фондига молиявий кўмак сўраб мурожаат қилганди.

Яқинда Грецияда бўлиб ўтган парламент сайловларидан сўнг бу масала яна бир бор, фақат бу гал жиддий тарзда кўтарилди. Мамлакатдаги кўплаб йирик банклар банк операцияларини миллий валюта — дирхамда олиб боришга тайёрлигини билдирди.

ҚЎШНИЛАР ЖАЗОЛАДИ

Польшанинг Збигнева қишлоғида яшовчи Фило эрта тонгдан ишга отлана туриб, «Ford Escort» русумли машинаси ўз ўрнида йўқлигини билиб тинчини йўқотди. Қидира-қидира, ахийри, машинасини осмонда, йўғ-е, улкан дарахт устида кўрди.

Кейинчалик маълум бўлдики, машинасини тез бошқаргани, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслиги боис, Филони ўз қўшнилари шу тариқа жазолашмоқчи бўлишган экан.

760 килограмм оғирликка эга бўлган «Ford Escort»нинг дарахт тепасига қандай олиб чиқилгани ҳозирча номаълум. Шуниси аёнки, қоидабузар ҳайдовчи энди ўз машинасини тартибли бошқаришга сўз берган.

Интернет хабарлари асосида Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.

Шу куннинг мавзуси

Англаш масъулияти

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 21 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини ўз олдига қўйган мамлакат фуқаролари буюк тараққиёт йўлидан оғишмай илдамламоқда. Тарихан қисқа давр мобайнида мазмунан асрларга тенг тараққиётга гувоҳ бўлиб турибмиз. Энг муҳими, фуқароларда ўзининг эртанги келажагига ишонч уйғонмоқда, энг муҳими, ёшлар онгида тафаккур ислоҳотлари рўй беряпти.

Айни пайтда дунё ҳам турланиб, глобаллашув, халқаро алоқалардаги интеграция жараёнлари, қадриятлар эволюцияси, трансформация ҳолатлари давлатлар, сиёсий партиялар қарашлари, кишилар дунёқарашига ўз таъсирини ўтказиб турибди.

Ер юзида ялпи тинчликни сақлаш, урушлар олдини олиш, адолатли халқаро иқтисодий тартибот ўрнатиш, аҳоли сони ва таркиби билан моддий ва маънавий қадриятлар яратилиши мутаносиблигига эришиш, жаҳон халқларини зарур озиқ-овқат, электр қуввати, айниқса, ичимлик суви билан таъминлаш, экология, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш каби умуминсоний, глобал муаммолар ҳажми тобора ортиб боряпти.

Ана шундай кучли глобал муаммолар ичида, айниқса барқарор тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ҳамда инсоният маънавий муҳити софлигини сақлаш масалалари устувор аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбарияти ушбу масалаларнинг нечоғли долзарб эканлигини масъулият билан ҳис этиб, уни ҳал қилишга қаттиқ бел боғлаган.

Буни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган маросим чоғида оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига берган жавобларида яна ҳам яққолроқ кўрдик.

Дарҳақиқат, иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда истиқомат қилган 6,5 миллион аҳолининг 1,5 миллион нафари қўлида қурол билан фашизм, деб аталган инсоният душмани ва кушандасига қарши курашди. Шулардан тахминан 500 минг ватандошимиз халок бўлдилар. Таъкидлаш учун таъкидлаш лозимки, ўша даврда урушдан азоб ва азият чекмаган биророрта ҳам оила йўқ эди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб берар экан, Юртбошимиз фашизмга қарши курашда ўз она юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшашини, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслашларини, уларнинг охирати обод бўлишини Яратгандан сўрашини яна бир бор қайд этди.

Тарихан бағрикенг ўзбек халқи иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам фронтда, ҳам фронт ортида мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатган. Жумладан, уруш йилларида республикада бир миллиондан ортиқ киши бошпана топди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Азалдан болажон бўлган ўзбек халқи юртимизга келтирган бошпанасиз, ота-онасиз, оч-наҳор болаларга том маънода меҳрибонлик кўрсатди, 4,5 минг нафардан зиёд норасида ўғил-қизлар ўзбекистонлик оилалар томонидан қабул қилинди. Ўз моҳиятига кўра чуқур байналмилаллик ва бағрикенглик руҳи билан суғорилган бу ҳаракатда ўзбек халқининг меҳмондўстлик, кўнгли очиқлик, ўзгаларга ҳамдардлик каби миллий хусусиятлари кўринди.

Инсоният тарихи яратишлар, бунёдкорлик, эзгулик тарихи бўлиши билан бирга, бу давр урушлар, йўқотишлар даври ҳамдир. Ёзма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, сўнгги 6 минг йил мобайнида Ер шарида 15 мингдан зиёд урушлар содир бўлган. Шу давр ичида атиги 300 йилгина урушсиз кечган. Америкалик муаллиф Р.Кларкнинг "Уруш илми ва тинчлик" китобида келтирилишича, 1820-1859 йилларда 92 та урушда 800 минг (жами аҳолининг 0,1 фоизи), 1860-1899 йилларда 106 та урушда 4,6 миллион (0,4 фоиз) одам қирилиб кетган. Биринчи жаҳон уруши даврида 10 миллиондан ортиқ одам халок бўлган бўлса, иккинчи жаҳон уруши даврида уларнинг сони 50 миллион кишидан ортган.

Афсуски, инсониятни уруш оловларидан сақлаб қолиш муаммоси XXI асрда ҳам ўз ўрнини сақлаб турибди. Дунёнинг турли чеккаларида уруш алангалари чиқмоқда, йирик давлатлар ўз геополитик қарашларини амалга ошириш, дунёга эгалик қилиш каби манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар.

Шунинг учун ҳам Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига берган жавобларида дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилишини таъкидлади. Масаланинг энг даҳшатли жиҳати шундан иборатки, ҳали дунёда фашизмнинг тикланишидан манфаатдор бўлган кучлар борлиги маълум бўлмоқда. Юртбошимиз қайд этганларидек, бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётганлигини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутилмаган оқибатларга олиб келиши муқаррардир.

Оллоҳга шукурлар бўлсинки, Ўзбекистонда Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли кучли ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, маънавий барқарорликка эришилди. Халқимиз қўлга киритган натижаларнинг негизида турган асосий омил — бу мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз қалбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганлигидир.

Ҳақиқатдан ҳам шундай. Президентимиз 9 май куни оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига берган жавобларида иккинчи жаҳон урушидан, хотира ва қадрлаш кунидан оладиган сабоқларимиз ҳақида батафсил тўхталган. Биринчи хулоса шуки, инсон хотираси абадий ва у доимо ҳақиқатни акс эттиради. Бу, таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, адолатли, маърифатли жамият қуришнинг ҳам асоси, ҳам кафолатидир. Тарихий хотиранинг боқийлиги аслида тарихга ҳаққоний тарзда муносабатда бўлишдир. Тарихни сохталаштириш, унга сиёсий-мафкуравий манфаатлар нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш кишиларни чалғитади, жамиятни бузади, барқарорликка путур етказади. Шу аснода иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг иштирокини онгли равишда англаш халқимизнинг кучига куч, қудратига қудрат қўшади, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби юрт, Ватан учун курашган, жон фидо қилган ўз қаҳрамонларидан ғурурланиш ҳиссини уйғотади.

Иккинчи хулоса инсоният учун ўта зарур бўлган тинчлик феноменининг аҳамиятини кўрсатиш билан боғлиқ. Қўшни Афғонистондаги бундан 30 йил аввал бошланган нотинчликлар, дунёнинг ҳали у четида, ҳали бу бурчагида содир бўлаётган тўс-тўполонлар — буларнинг бари мамлакатимизда олиб борилаётган тинчликсевар давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини англашга имкон беради, фуқароларда шукроналик ҳиссини уйғотади.

Учинчи хулоса мустақиллик феноменини англаш билан боғлиқ. Гап шундаки, фуқароларнинг айрим қисмида ҳали совет тузумини қўмсаш кайфияти мавжуд. Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллик байрамида Юртбошимиз таъкидлагани каби совет тизимини кўрмаган айрим ёшларда ҳам ўша даврни исташ аломатлари бор. Бу ўта хавфли ҳолат ҳисобланади. 3 минг йиллик ўзбек миллий давлатчилик тарихи давомида 200 йил Эрон аҳамонийлари, 180 йил грек-македонлар, 200 йил араблар, 150 йил мўғуллар, 130 йил чор Россияси ва совет мустабид тузумлари келтирган жабр-зулумлар, моддий ва маънавий йўқотишлар, энг муҳими халқимиз қадр-қимматининг камситилиши каби ҳолатларни асло унутиш мумкинми?!

Шу аснода мустақиллик йилларида барча соҳаларда эришилган ютуқлар, халқимизнинг ўзлигини англаш жараёнлари, инсон қадр-қимматининг тикланиши — буларнинг бари мустақиллик йўлида жон фидо қилганлар хотирасини эслаш, тарихий хотирани жамият ва инсоннинг яратувчанлик фаолиятини оширувчи омил сифатида эътироф этилишидир.

Тўртинчи хулоса инсоннинг теварак-атрофда рўй бераётган ижтимоий ҳодиса-воқеаларни таҳлил қила олиш кўникмаси билан боғлиқдир. Шу маънода И.Каримовнинг 9 май куни дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур, деган фикрларида катта мантиқ мавжуд.

Аслида, бепарволик, лоқайдлик, масъулиятсизлик, билимсизлик оқибатидир. Ўз уйида, маҳалласида, ишхонасида, пировард натижада жамиятда содир бўлаётган хоҳ ижобий, хоҳ салбий ҳолатларга ўзининг дахлдорлигини ҳис этган шахсгина, ҳеч шубҳасиз, ўз манфаатларини Ватан ва миллат манфаатидан юқори қўймайди.

Бешинчи хулоса шундан иборатки, бу маънавият, маърифат инсон дунёқараши билан боғлиқдир. Аслида одамзод хотираси, унинг қадр-қимматп шахснинг маънавияти асосида шаклланади. Журналистлар билан учрашувда Ислом Каримов муҳим назарий методологик масалага эътиборни қаратди. Яъни, инсоннинг дунёқараши, унинг ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати уч муҳим масалада ўз аксини топмоқда. Булар халқимизнинг мустақил фикрлаши, ижтимоий фаоллиги ва маънавий оламининг шаклланишидан иборатдир.

Ушбу уч ўқ илдиз Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг омиллари ҳисобланади. Шахснинг мустақил фикрлаши кўпроқ унинг ижтимоий фаоллигида мужассамини топади. Ижтимоий фаол инсон аслида ўзини ижтимоий экспертизадан ўтказа оладиган, ўзида масъулият ҳиссини туйган кишидир. Айни пайтда мустақил фикрлаш ва ижтимоий фаоллик инсоннинг маънавий оламида намоён бўлади. Агар шахс ўзининг кучли маънавий оламига эга бўлмаса, унда унинг ижтимоий фаоллигию, мустақил фикрлаши ғайри инсоний мақсадлар учун ҳам аҳамиятли бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда маънавият-маърифатнинг давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эълон қилинишида, Юртбошимизнинг журналистлар саволларига берган жавобларида мен ана шу мантиқни кўраман. Кучли маънавият булоғи билан суғорилмаган ҳар қандай сиёсат охир-оқибатда инсон, унинг қадр-қиммати, манфаатларига зид иш юритишга ундайди. Бунга тарихда мисоллар жуда кўп.

Олтинчи хулоса турли таҳдидлардан сабоқ олиш билан боғлиқдир. Гап шундаки, ҳозир дунёда инсониятга халқаро терроризм, диний экстремизм, СПИД ва нарко агрессия каби хавф-хатарлар таҳдид солиб турибди. Айни пайтда "оммавий маданият", эгоцентризм ва эркинлик ниқоби остидаги ахлоқсизлик фалсафасининг таъсир кучи ҳам зўрайиб бормоқда.

Айниқса, миллий маънавият, ёшлар дунёқарашига кучли салбий таъсир ўтказишда "оммавий маданият"нинг "ўрни" катта бўлмоқда. "Оммавий маданият" дунёда кўплаб кишиларни "мавҳум дунё", виртуал дунёга онгсиз равишда кириб қолишига сабаб бўлмоқда. Кузатувчи-тадқиқотчилар, олимларнинг ҳисоб-китобига биноан ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг 10 фоизи виртуал дунёга кириб бўлган. Бошқача сўз билан айтганда, улар интернет қарамлигига дучор бўлишган. Шуларнинг 70 фоизини эркаклар ташкил этади. Тадқиқотчилар мазкур интернет қарамлигига тушиб қолганларни 5 гуруҳга бўлишади. 1. Виртуал танишувчилар. 2. Киберсекс ёки порносайтга муҳтожлар. 3. Интернет орқали қимор ўйновчилар. 4. Онлайн ўйинчилар. 5. Интернет-серфинглар ёки интернет саҳифаларини бирон-бир аниқ мақсадсиз ўйламасдан очиб, ундан "роҳат олувчилар".

Ҳозирги замонда инсонни ана шундай виртуал дунёга тушиб қолмаслигининг олдини олувчи ҳам, агар у шундай маконга тушиб қолган бўлса, уни қутқариб олишнинг ҳам ягона йўли маънавият, маърифат, таълимдир. Бошқача айтганда, инсониятни турли мафкуравий-ғоявий таҳдидлардан сақлаб қолувчи, уларни маънавий-ахлоқий тубанлашувининг олдини олувчи омил — маданият, маънавият ҳисобланади. Шахс маънавий олами қанчалар даражада такомиллашса, у теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш, уларни тўғри экспертизадан ўтказиш кўникмаси кучли бўлади.

Хўш, шахс маънавий олами нима, ўзи? Шахс маънавий олами инсоннинг ўзлигини онгли равишда англашга ундовчи, ўргатувчи феномен ҳодиса бўлиб, унинг марказида инсон тафаккури туради. Инсон фақат ва фақат тафаккур жараёнида шаклланади ва чархланади. Эзгулик, яхшилик ҳақида ўйловчи, ўша ҳодисаларга амал қилувчи шахслар доимий бошқалар томонидан эътироф этилади.

Шахс маънавий олами ўз-ўзидан шаклланмайди. Оила, мактаб, маҳалла, жамиятдаги муносиб ҳаёт ва турмуш тарзи, давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар инсонлар, биринчи навбатда ёшлар маънавий оламини шакллантирувчи омиллардир. Айни пайтда бу жараёнга маданият, санъат, оммавий ахборот воситалари жамиятдаги соғлом маънавий-мафкуравий муҳит ҳам ўта жиддий таъсир кўрсатади.

Юртбошимиз 9 май куни оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига берган жавобларида яна бир муҳим масалага алоҳида тўхталиб, "бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш масаласининг маъно-мазмуни, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она-юртимизни биз асрамасак, ким асрайди, деган эътироф билан яшаши, ҳеч ким шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга" эканини алоҳида таъкидлади.

Ушбу сўзлардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: Ватан муқаддассан, унинг халқи, моддий, маънавий бойликлари, асрий анъаналари, инсон хотираси боқий. Ватанни ҳимоя қилиш аслида эътиқод. Ватанни севиш фақат у тўғрисида тинимсиз гапириш эмас. Ватанни аслида у тўғрисида гапирмасдан ҳам севиш мумкин. Бунинг учун аввало Ватан тўғрисидаги тушунчани онгу шууримизга сингдириш, уни эътиқод даражасига кўтариш, ҳар бир инсон ўз ўрнида масъулият билан яшаши, ишлаши, ўқиши лозим. Ватанни севиш ота-боболар жасоратини ўрганиш, уни қалбдан ҳис этиш ва тафаккур ила мулоҳаза қилиш орқали юз бериши мумкин.

Мамлакатимизда инсон омилининг том маънода амалга ошириш имкони туғилди. Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси яратилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Бу ислоҳотлар фақат ва фақат инсон, унинг бахт-саодатини таъминлаш, тафаккурини чархлаш, фаровон келажагига ишонч уйғотиш йўлида амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати Джозеф Стиглиц методикаси бўйича давлатларнинг "бахт ўлчовлари"да 5 та йўналиш эътиборга олинади. Улар таълим, аҳоли саломатлиги, ҳаёт сифати, иқтисодий ривожланиш динамикаси ва ижтимоий-сиёсий муҳит.

Бугунги тарихимизга эътибор қилиб таъкидлаш лозимки, юқоридаги методикада кўрсатилган барча йўналишлар Ўзбекистонда ўзининг барқарор давомийлигини таъминлаган. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан халқимизнинг кўнгли тўлмоқда, ушбу жараённинг бевосита иштирокчиси эса ўзбек халқи ва ўзбекистонлик турли халқ ва миллат вакилларидир. Мазкур жараёнда ўзбек халқи бағрикенг халқ сифатида майдонга чиқмоқда. Аслида бағрикенглик ўзининг куч-қудрати, салоҳиятига ишониш натижасидир.

Дарҳақиқат, мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг 9 май Хотира ва қадрлаш кунида оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига берган жавобларидан олган хулосаларим шулардан иборат. Тарихий хотира аслида миллатнинг мавжудлигини кўрсатувчи феномен ҳодисадир. Шу маънода инсон хотираси боқий, қадр-қиммати улуғ, дейилишида жуда катта ҳикматона ҳақиқат бор.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Божхона почтасидан

Хонадонми, металл омбори?

Саноатда муҳим аҳамият касб этувчи қора ва рангли металлга эҳтиёж ҳамиша баланд бўлиб келган. Шу сабабли металл чиқиндиларининг ўғирланиши ҳамда ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш, шунингдек, қимматли хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида мамлакатимизда қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Шунга қарамай, таркибида рангли металл бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик фактлари, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширинча тайёрлаш, мамлакат ташқарисига контрабанда йўли билан олиб чиқишга уриниш ҳоллари учраб турибди.

Чортоқ туманининг чегарадош ҳудудида ҳаракатланаётган "Комби" автомашинаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари эътиборини ўзига тортди. Таъқибга олинганини сезган ҳайдовчи эса автомашинани ташлаб қочди. Қолдирилган автомашина кўздан кечирилганда, унда яширинча олиб чиқишга кўзланган 500 килограмм металл симлар борлиги маълум бўлди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам чет элга олиб чиқиш учун ғамлаб қўйилган рангли металл парчалари "омбор"ларини фош қилишди. Бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликдаги текширувлар чоғида Зангиота туманида истиқомат қилувчи Т.Ушмановнинг хонадонида қиймати 3,8 миллион сўмлик 1200 килограмм мис, шу туманда яшовчи яна бир фуқаро З.Туленовнинг хонадонида эса қиймати 4,7 миллион сўмдан ортиқ бўлган 1,6 тонна рангли металл чиқиндилари ноқонуний равишда сақланаётгани аниқланди. Шунингдек, ғиждувонлик Н.Тайировнинг хонадонида кейинчалик сотиш мақсадида 8 тоннадан ортиқ рангли металл парчалари сақланаётгани фош қилинди.

Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати

Эгаси ҳам, белгиси ҳам йўқ



Бекобод туманининг қўшни давлат билан чегарадош ҳудудида божхоначиларни кўриб қолган кимсанинг тезда ғойиб бўлгани бежиз эмас. Сабаби у 180 қути "Pallmall" русумли сигаретни ноқонуний равишда олиб ўтмоқчи бўлибди. Худди шу тарздаги яна бир қонунбузар чегарадан ноқонуний олиб киришга уринилган 2 минг қути "Астра"сини ташлаб қочди.

Янгийўл туманининг чегарадош ҳудудида назоратсиз қолдирилган қоғоз қутилар ўрнатилган тартибда кўздан кечирилганда, улардаги «Rothmans», «Parlament» ва «Marlboro» сигаретлари муқаддам номаълум шахслар томонидан айланма йўллар орқали юртимизга олиб кирилгани маълум бўлди. Бундай дейишга эса асос бор, чунки ушбу тамаки маҳсулотлари республикамиз акциз маркаларисиз эди. Қилган ишларининг фош бўлишидан чўчиб, «дами ичида» юрган қонунбузарлар салкам 18 миллион сўмлик сигаретларининг "баҳри"дан ўтишга мажбур.

Худди шундай ҳолат Зангиота туманида ҳам қайд этилди. Қонунбузарлар томонидан айланма йўллар орқали олиб кирилган қиймати 33,6 миллион сўмлик юклар орасидан 1400 қути "Marlboro" сигаретлари топилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида Тошкент вилояти божхона бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда 12 та ана шундай қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, 33,4 миллион сўмлик 6 минг қутидан ортиқ тамаки маҳсулоти олиб ўтилишига чек қўйилди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси
ахборот хизмати

Уяли "рюкзак"

Ахборот технология воситаларини республикамизга олиб киришда божхона қоидаларига риоя этиш мамлакатимиздаги рақобат муҳити ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди. Афсуски, "ҳам саёҳат, ҳам тижорат" иборасига амал қилаётган айрим юртдошларимиз мазкур қоидаларни ҳамон четлаб ўтишга уринишмоқда.

"Сеул-Тошкент" йўналиши бўйича парвозини якунлаган фарғоналик Ф.Ҳатамова қиймати 2,7 миллион сўмдан ортиқ 20 дона уяли телефонни яширинча олиб ўтаман, деб қаттиқ адашди. Бирлашган Араб Амирлигидан қайтган пойтахтлик А.Миралиевнинг эса божхона қоидаларини четлаб ўтиб, жуда кўп миқдордаги ахборот технологиялари воситаларини олиб киришга урингани фош қилинди. Божхона баённомасидан "тушириб" қолдирилган видеокамера, фотоаппарат, ноутбук, электрон планшет, уяли телефон каби жами 11 та товар-моддий бойликларнинг умумий қиймати 27 миллион сўмни ташкил қилар экан.

Шу йўналишда парвозини якунлаган яна бир фуқаро — шаҳрисабзлик О.Раҳмоновнинг рюкзакига «i-Pad» электрон планшети, 3 дона «Nikon» фотоаппарати ва 19 дона «i-Phone» уяли телефони "оғирлик" қилди. Қиймати 45 миллион сўмдан ортиқ мазкур товарларни божхона назоратидан яширишнинг оқибати шундай мағлубият билан якун топди.

Ваҳоланки, юқоридаги ҳолатларда юртдошларимиз белгиланган меъёрдан ортиқча олиб кирилган товарларни божхона баённомаси ва оғзаки сўров пайтида маълум қилиб, божхона тўловларини тўлаган ҳолда юртимизга бемалол олиб киришлари мумкин эди.

Ҳозир мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

"Тошкент-Аэро" ИБК
ахборот хизмати

КЎНГИЛ ГУЛШАНИ

Ёдгор сўзлар — гавҳар сўзлар

«Қаламдош»

Миртемир — шеър заргари. У сўзнинг қимматини мисқоллаб ўлчар, ёзадиган жумласини етти эмас, етмиш марта ўйлаб, кейин битарди.

Оддий сўзларга ўзгача сеҳр, жозиба бағишлай оладиган номи юртга таниқли шоирнинг иш услуби, албатта, ҳамма ижодкорларни қизиқтирарди. Гоҳо шу ўйлар тинчлик бермасди. Мавриди келса, унинг шеър ёзишини, бирор асарга сайқал беришини зимдан кузатсам, деб орзу қилардим.



Ниҳоят, шундай кунлар насиб қилди. «Гулистон» журналида Миртемир акага бағишланган махсус саҳифа бериладиган бўлди. Ундан шеър «ундириш» менга топширилди. Хонамдан барвақтроқ чиқиб, Ишчилар шаҳарчасига йўл олдим.

Биз — ёшлар, ўз уйимиздай эмин-эркин кириб борадиган шинамгина файзли ҳовли. Баҳордан кузаккача бирин-сирин потраб очиладиган ифори гуллари ҳали уйқуда. Ёзда оқ, қирмизи, пушти тусда кўз қамаштирувчи бу гуллар худди хонадон соҳибининг байтларига ўхшарди. Уларга тикилса, одамнинг ёшлиги, ёшликдаги тотли, ҳануз дилни жизиллатадиган ёниқ туйғулар эсига тушади, юрак ҳапқиради...

Ичкари кирдим. Миртемир ака кўринмайди. Газета-журнал варақлаб ўтиравердим. Анчадан кейин сокин қадамлар ташлаб кириб келди. Эгнида иссиқ жун кўйлак, кулранг берет.

— Э, мулло Саъдулло! — деди жилмайиб, сўнг одати бўйича қайта-қайта ҳол-аҳвол сўради. Хонадаги буюмларга бир-бир тегиниб чиқди: «Минск» русумли каттакон эски приёмнигини кўйди, уни ўчириб, «ВЭФ» транзисторини боради, қозоқча концерт берилаётган экан, бирпас қулоқ солиб турди-да, «Ширинларғўй» деди. Чеҳрасига табассум югурди.

Ниятимни айтдим.

— Тайёр шеър бўлса, олиб кетмоқчи эдим...

— Тайёр шеър... йўқ эди, — деди аста. Назаримда, жиндай хижолат чеккандай бўлди. Гўё анчадан бери янги нарса ёзолмай юрибди-ю, буни мен эслатиб қўйгандек эдим.

— Унда ёзиб берасиз.

Миртемир ака сал энгашди, ўнг кафтини қулоғига тутди. Илтимосимни қайтардим. У қаддини ростлади, бошини силкиб, «хўп» ишорасини билдирди.

— Кўп бўлди «Гулистон»да чиқмадим. Ёзиб бераман. Беш-олти кундан кейин бир қайриласан-да...

«Қайриладиган» куним келганда кутилмаган воқеа юз берди. Миртемир аканинг тоби қочиб, касалхонага тушиб қолди. Кўргани бордим. У хонада бир ўзи ётар, дераза ёнига қўйилган баланд каравотнинг бош томонида қалам, дафтар, журнал ва китоблар, катта-кичик шишаларда дори-дармонлар сафлаб қўйилган. Миртемир ака «болам»лаб, «бўтам»лаб меҳмон қила бошлади. Унинг вақти хуш эди, дам-бадам кириб турган ҳамширалару шифокорларни бирор қизиқ гап айтиб кулдирар, ўзи ҳам ҳузур қиларди. Шундай суюнчли дақиқаларга соя солгим келмади, «шеър дардида» турган бўлсам-да, тилимни тийдим. Миртемир аканинг ўзи гап очди:

— Мен журналларинг олдида уятлиман... Шу десанг, туппа-тузук юргандим, бирданига бундоқ бўлиб қолди... Ҳозир хийла яхшиман. Шеърни ёзиб бераман, қоралаб қўйганман. Тунда, соат ўн бирдан кейин дўхтирлар хона-хонасига кириб кетади. Шунда яширинча оз-оздан ишлаяпман. Бир куни дўхтирим кириб қолиб, роса уришди. «Ахир, мен бу ишдан роҳат қиламан, ишласам енгил тортаман», десам ҳам қўймайди... Худди атайлаб қилгандек, дўхтирлар навбатчилик қиладиган хонанинг рўпарасида ётган эканман. Алдаб бўлмаяпти. Уларнинг кўзидан узоқроқ хонага кўчмоқчи бўлиб турибман...

Уч-тўрт кун ўтиб, шифохонага яна келдим. Остона ҳатлаб, ҳол-аҳвол сўрамасимданоқ Миртемир ака ёзилажак шеърдан гапирди.

— Мана, уч вариантда ёзиб қўйдим, — деди қалин кўкиш дафтарни қўлига олиб. — Бир нусхасини яхшилаб ишлаб бераман. Ҳали жиндек хомроқ... Ол, бўтам, анави олмалардан арчиб, еб ўтир...

Ўша куни мен Миртемир аканинг бир ижодий сиридан воқиф бўлдим: у шеърларини аввал поэтик сочма ҳолида қоралаб чиқар, сўзларнинг оҳори тўкилмаганларини қўллар, ёқмаса, алмаштирар экан. Сочмалар етук санъаткорнинг «чиғириғи»дан юз бор, минг бор ўтиб, асл шеър билан бўйлашадиган даражага етгач, шоир уларни қофияга, вазнга солар, улар учун ҳозирлаб қўйилган либосга буркаб, оққа кўчирар эди. Сўнг яна меҳнат, яна сайқал бериш давом этарди: «бачки новдалар» қирқилади, ярим томчи ҳам «сув» қолдирилмайди, жаранг тордай чертиб кўрилади, сўзларнинг бўй-басти чамаланади — ҳар қайсиси ўз ўрнидалиги текширилади, ширраси синалади — тахир ёки чучмал эмасми?.. Ана шундан кейингина шоирнинг ўзи эркалаб, ҳазиллашиб айтадиган бу «шиғир» эл хизматига сафарбар этилади. Миртемир аканинг шеърларидан ажиб тароват уфуриб туришининг, нафосатининг сири шунда бўлса керак...

Хуллас, ваъда қилинган шеър унадиган бўлди. Миртемир ака шифохонадан чиққан эди.

— Эрталаб уйга кел, биргалашиб ёзамиз, — деди у бир куни.

«Биргалашиб ёзиш»ни эшитиб, рости, бироз чўчидим. «Ҳазил қиляпти, шекилли. Мен шоир бўлмасам... Шеърият бобидаги илмим ҳаминқадар. Буёғи қандоқ бўлди?»

Йигит иши — таваккал. Пешинда етиб бордим. Миртемир ака ташриф буюражак «қаламдоши»ни кутиб, безовталаниб турган экан. Каттакон столга юзма-юз ўтирдик. Шоир ранго-ранг қаламда, турли хил ручкада чизавериб, бўялиб кетган қоғозларни олдига ёйиб қўйди. Гажакдор араб алифбосидаги ёзувларга боқиб этим увишди: шоир битта шеърга шунча ишлов берадими?!

Миртемир ака шеърининг хомлигидан яна шикоят қилди. «Агар қистамаганингда яна беш-олти кун устидан кўриш керак эди», деди. Сўнг диққатини жамлади-да, билинар-билинмас нохушлик билан деди:

— Қани, ёздик.

Шеъримиз соатнинг милидай ўта секинлик билан туғилаяпти. Миртемир ака хатимни лаҳза сайин таъқиб этади, нуқта, вергулларигача кузатади, унутиб қолдирсам, дарҳол эслатади, ўзи эса сатрларга оро беради.

Шу алфозда шеърнинг икки бандини ёзиб битирдик. Учинчи банд етилиб турган эканми, ҳартугул қуйилиб келди:

Қўшоғиздай талай
отдилар ёҳу,
Олис Шарқда
куйдим ўтхоналарда...
Ёвғон ошимга ҳам
қатдилар оғу,
Юз ўлдим Сурхонда,
Фарғоналарда.

— Сурхонда дейсизми ёки Хоразмда тузукмикан? — сўради Миртемир ака.

— Сурхон яхшироқ, шекилли, — дедим эҳтиёткорлик билан. — Ҳар ҳолда Фарғонага оҳангдош таъкид ҳам бор...

— Тўғри, — деди у, — мен ҳам шуни ўйлаган эдим.

Миртемир ака қўлёзмасига бироз тикилиб қолди. Кейин яна қироат билан ўқишда давом этди:

Бир дунё яратдик —
янги, бетимсол,
Менинг елкамдайди
не оғир тошлар.
Кун сайин армонлар
барҳақ, баркамол,
Йўлда қолиб кетди
не эзгу бошлар.

Шу ерда қизиқ бўлди. Мен шеърнинг ички ритмикасига, мусиқийлигига берилиб кетиб, «эзгу бошлар»ни «азиз бошлар» деб ёзиб юборибман. Миртемир ака буни сезиб қолиб, эскартирди. Мен хатоимни тузата бошладим. Бироқ Миртемир ака нималарнидир пичирлаб турди-да, «Тўхта-чи, «азиз бошлар» ҳам ёмонга ўхшамайди», деди. Унинг илтимоси билан охирги сатрни қайта ўқидим.

— «Йўлда қолиб кетди» деймизми ёки «Йўлимизда қолди» яхшими? — у менга синчков тикилди.

— Менимча, «Йўлда қолиб кетди» маъқул...

— Бўлмаса, ўқувчига маъқули кетаверсин...

Шеърнинг сўнгги бандига ўтдик. Миртемир ака хомаки нусхаларни шилдиратиб, варақларни ағдариб, анча ўтирди. Сал овозини чиқариб, бир-икки сатр ўқиб кўрди.

— Бу ҳамма биладиган гаплар. Поэтик ифода керак, — деди ранжиб.

Шеърнинг хулосасидан кўнгли тўлмаётгани шундоққина кўриниб турарди. У бир четида шапалоқдай жой қолган варақни олдига суриброқ қўйди-да, шитоб билан ёза кетди. Анча ўтирдим. Кейин худди маъшуқасига севги изҳор қилаётган йигит ҳолатини кузатаётгандай хижолат бўлдим. Аста туриб, ташқарига чиқиб кетдим.

Қайтиб кирганимда шоир ҳамон ёзарди. Бирпасдан кейин бошини кўтарди, енгил руҳ билан:

— Мана, энди эшит-чи, — деди-ю, ўқий бошлади.

— Яхши чиқибди, — дедим ёзишга ҳозирланиб.

— Маъқулми? Ундай бўлса, ёзамиз.

Миртемир ака ўқиди, мен оққа кўчириб чиқдим. Сўнг шеърни бошидан охиригача баландроқ овозда, Миртемир аканинг қироатига тақлид қилиб ўқий бошладим. У баркамол санъаткорга хос тийраклик, таъбир жоиз бўлса, ижодий рашк билан қулоқ солди шеърига.

Шеър битди, уни тўрт буклаб чўнтакка урдим. Таҳририятнинг топшириғини бажарганимдан шод эдим. Миртемир ака мени кузатиб кўчага чиқди. Қоронғи тушиб қолган. Осмонда қорамтир-бинафша ранг булутлар кезади. Салқинроқ шабада эсади. Миртемир ака кўкка тикилди.

— Баҳорий булутлар... Кўклам яқинлаб қолди.

Бекатда у яна шеърдан шикоят қилди:

— Қиёмига етмайроқ қолди. Асқадга айт, яхшилаб тузатсин, албатта, тузатсин...

Бу гап менга нашъа қилди. Каминангиз ҳам баъзан у-бу нарса машқ қилиб юрардим. Яширишнинг ҳожати йўқ, кўпинча қўлёзмаларимизнинг сиёҳи қуримасдан уни тезроқ чоп эттиришга, шов-шув кўтаришга уринардик. Балки бизда ҳам Миртемир акадаги бардош ва инсофнинг юздан бири, боринги, ўндан бири бўлган-да, эҳтимол, асарларимизнинг умри бойчечак умри янглиғ қисқа бўлмасмиди?..

Саъдулла СИЁЕВ

Бадиа

Болалардан ўрганайлик самимиятни

ИЗЗА

Опа неварали бўлди. Ўғил. Уйда ҳамма хурсанд. Чақалоқни бешикка соладиган куни келиннинг ота-онасини ҳам чақиришди. Улар бошқа шаҳарда туришса ҳам таклиф қилинган вақтга етиб келишди. Уйдагиларнинг ҳаммаси хурсанд бўлди.

Опанинг кенжа ўғли Маҳмуджон бешинчи синфга кўчган. Ҳозир таътилда. У янгасининг онаси билан қувониб сўрашди. Ахир, қувонмай бўладими? Энди унинг ширин укаси бор-да!

— Қуда хола, — дейди у бошқаларга ўхшаб, — аввал ташқарига ўйнагани чиқсам, кечгача қайтмасдим. Ҳозир эса, чақалоқ эсимга тушиб, уйга тез қайтиб киргани мни ўзим ҳам билмай қоляпман.



Бола «қуда хола»сини ўзига яқин олиб, шунчалик астойдил қувониб гапиряптики, бу самимийлик фақат болалардагина бўлади.

Опа хурсанд. Неварали бўлгани учун қудасига бош-оёқ қимматбаҳо сарпо совға қилди. Бор-йўғини тўкиб дастурхон тузади. Маҳмуджон қанд-қурс, конфет, бўғирсоқ ва пиширикларни пастга олиб тушиб, қўшни жўраларига қувониб-қувониб улашди.

Опа ўша куни қудаларини иззат-икром билан кузатиб қўйди. Келиннинг отаси автобус бекатига шошилди. Қуда хола эса, орқада секинроқ кетаётган эди, уларнинг қаршисидаги майдончада бир гала бола тўп тепишаётганди. Улар орасидан Маҳмуджон ажралиб чиқиб:

— Кетаяпсизми, хола? — деди болаларча беғуборлик билан. Хола қандай кетаётган бўлса, шундай кетаверди. Болага бурилиб қарамади ҳам. Қуда хола эшитмади эмас, эшитди, лекин атайлаб шундай қилди. Уч одимча берирокда қолган опага қудасининг манманлиги ёмон таъсир қилди. Ахир, бола ҳам инсон-ку. Шу дам боланинг кўзи онасига тушди ва астагина:

— Э-э-э, ая, жўраларимдан уялиб қолдим. Қуда холам билан хайрлашай десам, эшитмаганга ўхшаб кетиб бораяпти. Нега ундай қилди?

— Билмасам, болам, — деди онаси. Сўнг хижолат бўлганидан қизариб, изза бўлиб турган боласига қараб, кўнгли музлаб кетди.

Катталар ўзини қўлга олиб, уялганини билдирмаслиги мумкин, лекин болалар ноҳақликдан уялганида уларнинг юзида ҳам ўксикликни, ҳам хижолатни, ҳам қаттиқ хафа бўлганлигини кўрасиз. Бундай ҳолат бола кўнглига не машаққатлар билан экилган меҳр гулларини сўндириб қўйиши мумкин!

БАРЧАНИ БИРДАЙ КЎРИБ...

Ёш оила — эр-хотин эрталаб озроқ ғижиллашиб қолишди. Бўлади-да, турмуш бўлганидан кейин.

— Ўчакишгандай, дазмолланган кўйлакларингиз туриб, эрталаб, мен болаларни боғчага тайёрлаётган пайтда дазмолланмаган кўйлакларингизни сўрайсиз-а?

— Айтишим шартми, ҳар эҳтимолга қарши ҳаммасини дазмоллаб қўявермайсанми? Ишингни оти нима, шуларни қилмасанг.

Боғча кийимларини кийиб эшик олдида турган беш яшар қизча хафа бўлиб қовоғини осилтириб олди. Одатда, қизлар отасини яхши кўради.

— Дадамни уришманг, мен уларни жудаям яхши кўраман.

Аяси қизини етаклаб, гўдак ўғилини кўтариб, боғчага жўнади.

Ярим йўлгача қизча қовоғини уйиб, лаблари дўрдайиб борди. Кейин унинг кўзи аясига қараб жавдирай бошлади. Она эса қизчасини кечиргиси келмай, қовоғидан қор ёғиб кетаверди. «Дадасини яхши кўрармиш», деди у қизига эшиттириб.

Етиб келишгач, қизалоқ онасининг бўйнидан қаттиқ қучоқлаб, «Хафа бўманг, мен сизниям яхши кўраман», деди. Онанинг чеҳраси бирдан ёришиб кетди. Шунда қизнинг кўзи бирдан кулиб турган боғча опасига тушди. Унинг кичкинагина юраги тўлқинланиб кетди. «Боғча опам хафа бўлмадимикан? Ахир, кун бўйи бизлар билан тиним билмайди». Қизча онасини қўйиб боғча опасининг бўйнига осилди.

— Сизниям яхши кўраман, боғча опа! — деди эркаланиб. Қизчанинг бу эркаланишларида баъзи катта инсонларда ҳам камдан-кам учрайдиган беғубор самимият, сезгирлик ва донолик бор эди.

ҲАҚЛИ САВОЛ

Дилмурод отасини бир кунда соғиниб қолади. Отаси ҳар куни машинасида уни мактабига олиб бориб, сўнг ишига кетади. Дилмурод эса тушгача ўқиб, уйига келади, лекин кеч бўлишини орзиқиб кутади. Девордаги соатдан кўз узмайди. Ҳар доим дарсларини ўз вақтида бажариб, отасидан дакки эшитмасликка ҳаракат қилади. Бир-икки ой илгари ўтилган мавзуларни ҳам такрорлаб, ўрганган билимларини бошида мустаҳкамлаб олади.

Дилмурод ишига пухта бола. Онасига битта ишни икки марта такрорлатгиси келмайди. Қулоғига тегдими, бажармай қўймайди.

Онаси бир сўзли ўғлини бағрига босиб, қувонади.

Бир куни эрталаб Дилмурод одатдагидай отаси билан мактабга кетаётганди. Кўча бошида светофорнинг қизил чироғи ёниб, машиналар бирпас тирбанд бўлиб қолди. Қарашсаки, ёнгинасида тўхтаб турган машина отасининг Қаҳрамон деган ўртоғиники экан. Отаси ўртоғи билан қуюқ саломлашди, бобо билан ҳам.

— Йўл бўлсин, Қаҳрамон? — сўради отаси.

— Бобойни дўхтурга кўрсатай деб олиб чиқувдим, — деди Қаҳрамон ака.

Йўл очилиб, машиналар юриб кетди. Дилмурод сўради:

— Отажон, Қаҳрамон аканинг машинасида ўтирган ким?

— Отаси, болам.

— Ота, Қаҳрамон акам ҳам ёшлигида менга ўхшаб ҳар куни отасининг ишдан қайтишини кутиб, келгандан кейин отасининг бўйнига осилиб, қучоқлаб, маза қилиб ҳидлаб, эркалаб, сотиб олиб келган нарсаларини кийиб, еб, ичиб катта бўлганми?

— Бўлмасам-чи, ўғлим, — деди йўлдан кўзини узмай отаси.

— Нега энди шундай дадажонини дадам демай, бобой дейди?

Дилмуроднинг отаси ўғлининг ҳақли ва ўринли саволига жавоб тополмай қолди.

ҲАҚЛИ ЖАВОБ

Тошпўлатнинг иккита фарзанди бор. Каттаси қизча. Исми Исмигул. Бешинчи синфда ўқийди. Жуда зийрак ва ақлли. Кичиги икки яшар — ўғил.

Бир куни Исмигулнинг аммаси келди. Қизчанинг аяси, яъни келин қайнопасини кўриб, дарров ранги ўзгарди. У меҳмон билан кўришаётиб, бир мақол айтди. «Хола келди — лола келди, амма келди — чақиртиканак келди». Қизча аясининг меҳмонга бетинг-кўзинг демай шу мақолни айтганидан уялиб кетди. Чунки билади, аммаси жуда ширин сўзли, беозор ва меҳрибон аёл. Ишдан қайтаётиб ҳар ўн-ўн беш кунда укасининг оиласи, бола-чақасини бир кўриб ўтишга одатланган. «Бунинг нимаси ёмон?» ўйлади Исмигул.

Ўн кунча вақт ўтиб, Исмигулнинг онаси энди кечки овқатни сузаётувди, яна амма келиб қолди. Қўлида Исмигулга совға — чиройли қўғирчоқ, ўғил жиянига эса, кичкина резина коптокча олиб келибди. Келин яна қайнопа билан кўришаётиб, «Бизнинг уйга ҳамма вақт «Тайёр ошга баковуллар» келиб туради», деб ўйиб олди. Исмигул бу мақолларнинг маъносини унча англамаса-да, кўнгилга тегадиган гап эканини сезди. «Аммам яхши аёл, шу мақолларни мендан яхши тушунадику-я, лекин жанжал чиқмасин деб ўзини тушунмаганга олади», ўйлади қизча.

— Ая, — деди бир куни Исмигул, — мен катта бўлсам ҳеч қачон укамникига бормайман.

— Нега?! Мен икковингни бирдай суйиб, бирдай парвариш қиламан-у, сўнг икковинг бир-бировингдан ажраб, бир-бирингдан хабар олмай, бегонага ўхшаб кетасизларми? Мен бунга қандай чидайман?!

— Укамнинг хотини уйларига ҳар борганимда сизга ўхшаб заҳар-заҳар мақолларни айтаверса, улардан хабар олиш ёқадими менга?!

Аяси бир сўз демай, бўзариб, ўйланиб қолди.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

Коинот сирлари

Бундан юз йилча муқаддам коинот чексиз фазо, унда юлдузлар бир текис тақсимланган, деган тасаввур ҳукмронлик қиларди. Ўтган асрнинг 20-йилларида америкалик астроном Эдвин Хаббл кўзга кўринган барча галактикалар биздан турли йўналишлар бўйича жуда катта тезлик билан узоқлашаётганини аниқлади. Бу олам тузилиши назариясини қайта қараб чиқишни тақозо этди. Шу кашфиёт сабаб бўлиб бутун коинот бундан 15-20 миллиард йил олдин рўй берган "катта портлаш"нинг натижасидир, деган хулосага келинди.

Дунёда энг йирик тезлатгич

Узоқ йиллар бу қатъий назария сифатида қабул қилиб келинди. Кейинроқ бундай назарияни тасдиқловчи далиллар ҳам топила бошланди. Шулардан биринчиси НАСА (АҚШ космик тадқиқотлар маркази) сунъий йўлдоши — "Сове" узоқ космоснинг турли томонларидан келаётган фон нурланишининг ҳароратини аниқлади. Бундай нурланиш қадимда кузатилган "катта портлаш"нинг қолдиқ нурланиши экани маълум бўлиб, унинг қиймати назарий ҳисоб-китоблар орқали топилган иссиқлик қиймати билан бир хил чиқди. Ушбу далил "катта портлаш" рўй берганини тасдиқлади.

Шундан сўнг, 90-йилларнинг охирида олимлар Брукхевен (АҚШ)даги элементар заррачалар тезлатгичида электронлардан озод қилинган олтин атомини ёруғлик тезлигининг 99,9 қисмига қадар ўзаро қарама-қарши йўналишда тезлатиб, тўқнаштириш орқали сунъий «катта портлаш»ни вужудга келтирмоқчи бўлишди. Бунда "катта портлаш"дан кейинги жараённинг дастлабки дақиқаларидаги ҳолатини кузатиш мақсад қилинган эди. Бу икки босқичда — "Феникс" деб аталувчи биринчи лойиҳа Колумбия университетининг профессори Нагамийа раҳбарлигидаги 355 мутахассисдан иборат жамоа томонидан, "Star" номли иккинчи лойиҳа эса Беркли Лоуренс лабораториясидан Жон Харрис бошчилигидаги 350 нафар физик томонидан олиб борилиши кўзланганди. Бироқ кўпчилик мутахассислар бундай синов жиддий хавф остида амалга оширилишини эътироф этишди. Шунга қарамай, олимлар қайта ўтказилган ҳисоб-китоблар натижасида реакция жараёнида жиддий хавф кутилмаслигини таъкидлаб, синовни ўтказишга қарор қилдилар. Бироқ ўшанда коллайдер қувватининг пастлиги туфайли кутилган натижани олишнинг имкони бўлмади.

Бизнинг асримизда айни шу масалани ҳал қилиш учун 2002 йилнинг 11 август куни Швейцария ва Франция чегарасида қурилган дунёдаги элементар заррачаларнинг энг йирик тезлатгичи — катта адрон коллайдери (КАК) ишга туширилди. Салкам 10 миллиард долларга тушган ва жуда катта қувватга эга бўлган бу коллайдер дунёда энг йирик ядро физикаси лабораторияси — CERN (Consell Europeen pour la Recherche Nucleare)да қурилди. У ўртача 100 метр чуқурликда, узунлиги 27 километр бўлган халқа кўринишидаги тезлатгич бўлиб, унда қарама-қарши йўналишда 7 тэв (терра электрон вольт, яъни триллион электрон вольт) энергиягача тезлатилган протон дасталари тўқнаштирилади. Ана шундай тўқнашиш натижасида ажралган энергия 14 триллион электрон вольтни ташкил этади. Бундай катта энергиянинг ажралиши оқибатида рўй берадиган ҳодисалар маълум даражада "катта портлаш" манзарасини тасдиқлай олиши тадқиқотчилар, физик ва астрофизик олимлар учун жуда муҳим эди.

Бундай протонлар коллайдернинг 27 километр узунликдаги айланаси бўйлаб жойлаштирилган 3 мингта игна шаклидаги даста кўринишида ҳаракатланади. Ҳар бир тўплам 100 миллиардга яқин протонлардан ташкил топиб, тўқнашув "нуқта"ларида улар бир неча сантиметр узунликда, диаметри эса 16 микрон (энг ингичка соч толаси қалинлигида) бўлади. Протонлар парчалангач, вужудга келган кварклар турли томонга сочилиб кетади. Бироқ кварклар узоқ муддат якка ҳолда бўла олмаслиги туфайли ўта қисқа вақтда бирлашиб, янги "оғирроқ" зарра кўринишида катта тезлик билан атрофга сочилаётганда, коллайдер детекторлари томонидан уларнинг параметрлари қайд қилиб борилади.

Дарвоқе, адрон коллайдерининг фавқулодда ҳодисаларсиз ишлаши таъминлангач, астроном олимлар оламнинг пайдо бўлишига оид космологик момент — "катта портлаш"дан сўнгги дастлабки даврга оид энг муҳим жараёндан воқиф бўлишга умид боғламоқдалар.

М.МАМАДАЗИМОВ,
профессор

Ўқинг, бу қизиқ!

«ЖАҲОНГАШТА САЙЁҲ-ОЛИМЛАР»

«Эндигина атак-чечак қилиб юра бошлаган гўдакка назар солгансиз, албатта. У доимо уйдан ташқарига чиқишга интилади. Чунки дунёқараши ҳали шаклланиб улгурмаган бола наздида уйдан кўчага чиқиш ҳам бир саёҳат-да!

Камолга етган инсонда бу истак янада кучайиб боради. Саёҳатлар давомида олган таассуротларимизни яқинларимиз билан ўртоқлашамиз, баъзилар эса кўрган-кечирганларини қоғозга тушириб, кенг омма билан баҳам кўради. Саёҳат давомида олинган таассуротлар киши хотирасида умрбод муҳрланиб қолиши шубҳасиз. У ҳатто ҳаётимизнинг кейинги йилларини белгилашда муҳим роль ўйнаши ҳам мумкин. Бунга инсоният тарихида амалга оширилган кўплаб географик кашфиётларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, дунё миқёсида амалга оширилган саёҳатлар натижасида юзага келган улкан кашфиётлар, қимматли асарлар тараққиётнинг келгуси йўналишларини белгилаб берган, десак, хато бўлмас. Аммо дунёнинг турли қисмларини кашф этган буюк сайёҳлар ҳаёти ва ижоди, ёзган асарлари, саёҳатлари давомида бошидан кечирган қизиқарли саргузаштларни ўз ичига олган ўзбек тилидаги яхлит манба шу пайтгача йўқ эди».



Бу фикрлар яқинда Каромиддин Гадоев ва Сабоҳат Бердиева ҳаммуаллифлигидаги. «Ўзбекистон» НМИУда чоп этилган «Жаҳонгашта сайёҳ-олимлар» китоби муқаддимасидан олинди. Тўпламга 50 дан ортиқ дунёга машҳур сайёҳ-олимларнинг, жумладан, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Носир Хисрав, Замахшарий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари марказий осиёлик олимларнинг географик мероси ҳақидаги маълумотлар киритилган. Қуйида китобдан ўрин олган улуғ бобокалонимиз Аҳмад Фарғонийнинг сайёҳлик фаолияти билан боғлиқ мақолани эътиборингизга ҳавола этяпмиз. Ўйлаймизки, буюк олим тўғрисидаги қатор янги маълумотлар жамланган ушбу лавҳа газетхонларимизда катта қизиқиш уйғотади.

* * *

Дунёдаги қатор фанларнинг ривожига катта ҳисса қўшган улуғ алломалардан бири IX асрда яшаб ижод этган ҳамда география, астрономия, математика ва геометрия фанлари ривожига салмоқли ҳисса қўшган юртдошимиз, Ғарб мамлакатларида Альфраганус номи билан машҳур Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад Касир ал-Фарғонийдир.

Аҳмад Фарғоний 797 йилда Фарғонада туғилган ва дастлабки илмни шу ерда олиб, вояга етган. Сўнг ўша замонда Шарқда машҳур бўлган Бағдоддаги «Байтул-ҳикма» академиясида илмий ишлар билан шуғулланди. Аҳмад Фарғоний ушбу илм даргоҳида машҳур олим, алгебра фанининг отаси ҳисобланган юртдошимиз Муҳаммад иб Мусо ал-Хоразмий билан бирга фаолият кўрсатиш бахтига мушарраф бўлган. Шунингдек, Фарғоний Мисрда, Нил дарёси бўйларида илмий-назарий ва илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширган.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги вақтда Аҳмад Фарғонийнинг 8 та асари маълум, аммо Ризоуллоҳ Ансорийнинг ёзишича, унинг қолдирган асарлари сони 11 та. Ал-Фарғоний асарларидан «Ал-Комил фил-устурлоб» («Устурлоб тўғрисида мукаммал маълумот»), «Фи саноат ал-Устурлоб» («Устурлоб санъати тўғрисида»), «Етти иқлим», «Астрономия илмий асослари» ва «Жавоми илм ан-нужум вал ҳаракат ас-самовий» («Самовий ҳаракатлар ва астрономия китоби») кабилар бутун жаҳон астрономлари орасида маълум ва машҳур.

Дарҳақиқат, Аҳмад Фарғонийнинг астрономия фани ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс. У юлдузларнинг орасидаги, Ердан Қуёш, Ой ва бошқа сайёраларгача бўлган масофани ва ушбу осмон жисмларининг ҳажмини аниқлаб, жадвал тузган. Ушбу жадвалдан барча астрономлар, жумладан, европаликлар астрономиянинг асосчиси деб ҳисоблайдиган Николай Коперник ҳам фойдаланган. Шунингдек, осмон жисмларининг ҳаракатларини мукаммал ўрганган Аҳмад Фарғоний, Қуёш ва Ой тутилиш ҳодисаларини ҳам илмий асослаб берган.

Аҳмад Фарғоний «юлдузлар илмининг султони», деб тан олинган Мирзо Улуғбекдан беш аср олдин Қуёш ва юлдузларнинг ҳаракат йўналишини, шунингдек, Ернинг шар шаклида экани ва у икки қутбни бирлаштирувчи ўқ атрофида ҳаракатланишини исботлаб берган. Аҳмад Фарғоний бу ҳақда шундай ёзган: «Олимларнинг масалага қарашлари ҳар хил бўлиши мумкин, лекин ҳақиқат битта. Мана шундай ҳақиқий ғоялардан бири — Ер ва осмоннинг шар шаклидалигидир. Ҳақиқатан Ер осмондаги барча ёритқичлар билан бирга, бири — шимолнинг бошида, иккинчиси — жанубнинг охирида бўлган икки ҳаракатланмайдиган қутб (орқали ўтувчи ўқ) атрофида ҳаракат қилади».

Аҳмад Фарғоний биринчи бўлиб экватор доирасининг Ернинг уфқ доираси билан устма-уст тушадиган қутб доирасини, қутб туни ва қутб куни мавжудлигини ҳамда кун ва тун тенглигини илмий исботлаб берган. Бу ҳақда у шундай ёзган: «Аммо шундай бир жой борки, унда қутб 90 даражада кўринади ва зенит бўлиб қолади. Унда экватор доираси ҳамма вақт Ернинг уфқ доираси билан устма-уст тушади. У ҳолда осмоннинг экваторга нисбатан шимолий ярми Ер устида абадий кўринади, жанубий ярми эса абадий кўринмайди. Агар Қуёш Саратоннинг бошида бўлса, тун 24 соат бўлиб, кун бўлмайди. Қутбнинг баландлиги эклиптиканинг экваторга оғишига тенг бўлган жойларда Қуёш зенитдан бир йилда бир марта ўтади».

Аҳмад Фарғоний Ернинг шар шаклида эканлигига асосланган ҳолда Ер меридианининг бир даражаси узунлигини аниқлашга муваффақ бўлган. Орадан 800 йил ўтгач, Американи кашф этган машҳур сайёҳ Христофор Колумб ҳамда XVI асрда Ер шари бўйлаб айланма саёҳатни амалга оширган Фернандо Магеллан Аҳмад Фарғонийнинг Ер шари ҳажмини ҳисоблаш учун ишлатган бир даража меридиан узунлиги ҳақидаги ҳисоб-китобларининг нақадар тўғри эканлиги ҳақида ёзиб қолдиришган.

Аҳмад Фарғоний Мисрда, Нил дарёси бўйларида қатор илмий-амалий тадқиқотлар олиб борди. Изланишларининг натижаси ўлароқ олим Нил дарёсидаги сувнинг ҳажми ва тезлигини ўлчайдиган иншоот — ниломерни яратган. Айнан шу ниломернинг кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда Мисрда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган деҳқончиликни самарали ва оқилона ташкил этиш мумкин бўлган.

Аҳмад Фарғоний томонидан Нил дарёсининг Рода оролида яратилган ниломер дарё сатҳидан паст қилиб қазилган тўртбурчак қудуқ бўлиб, 3 хил баландликдаги каналлар орқали дарё билан туташтирилган. Қудуқнинг ички қисмига тош терилган ва пастки қисмига тош зиналар орқали тушиш мумкин. Иншоотнинг ўрта қисмига саккиз бурчакли тош устун ўрнатилиб, 19 тирсакка (1 тирсак тахминан 54 см.га тенг) бўлинган.

Манбалардан маълум бўлишича, агар суғориш мавсумида Нил дарёсида сув сатҳи 12 тирсаккача кўтарилса, ҳосил бўлмай, мамлакатда очарчилик кутилган, 13 тирсакда буғдой ҳосил бермаган, 14 тирсакда ўртача ҳосил етиштирилган, 15 тирсакда экинлар яхши ҳосил берган ва ниҳоят 16 тирсакда эса ҳосил ниҳоятда кўп бўлиб, мамлакатда мўл-кўлчилик бошланган. Аммо сувнинг 19 тирсакдан баландга кўтарилиши мамлакатда тошқинлар бўлиши, экин майдонлари ва ҳосилга зарар етишидан дарак берган.

Ниломер Нил дарёси сувидан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик ва аҳолининг иқтисодий ҳолатини олдиндан аниқлаш имконини берарди. Мисрда деҳқонларга солиқ солиш масалалари ҳам ниломер кўрсаткичлари асосида амалга оширилган. Шуниси эътиборга лойиққи, Аҳмад Фарғоний яратган ушбу иншоот ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Миср ҳукумати ватандошимиз Аҳмад Фарғонийнинг ушбу мамлакат олдидаги хизматларига юксак эҳтиром рамзи сифатида Нил дарёсидаги Рода оролида унинг ҳайкалини ўрнатишга қарор қилди. Ушбу ҳайкал Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йилда Мисрга қилган расмий ташрифи чоғида тантанали равишда очилган.

Аҳмад Фарғонийнинг номи асрлар оша унинг Буюк Британия, Франция, АҚШ, Марокаш, Миср, Ҳиндистон, Германия, Эрон, Россия ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг йирик кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма асарларида яшаб келмоқда. Мазкур қўлёзмалар дунёнинг бир неча тилларига таржима қилинган ва улардан жаҳондаги етакчи илм даргоҳларида узоқ вақтлар ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилган. Ушбу жараён ҳозир ҳам давом этаётир. Жумладан, кремоналик Герардо XII асрдаёқ Аҳмад Фарғонийнинг «Жавоми илм ан-нужум вал ҳаракат ас-самовий» асарини лотин тилига ўгирган. XIII асрда эса мазкур китоб Европанинг бошқа тилларига ҳам таржима қилинган. Бу асардан қарийб XV асрга қадар асосий астрономия дарслиги сифатида фойдаланилган ҳам. Голланд арабшуноси ва математиги Яков Голиус 1667 йилда Амстердамда мазкур китобни араб ва лотин тилида нашр қилдириб, Ал-Фарғоний (европача Альфраганус) номини бутун дунёга танитди. Ҳатто италиялик адиб Дантенинг «Илоҳий комедия»сида ҳам улуғ Альфраганус номи тилга олинган.

Республикамизда 1998 йилда дунё фани ривожига улкан ҳисса қўшган аллома Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан ҳамкорликда кенг нишонланди. Шу муносабат билан буюк юртдошимизга эҳтиром сифатида Фарғона шаҳрида меъморий мажмуа барпо этилиб, унинг марказида алломанинг юлдузлар харитасини қўлида тутган ҳолда виқор билан турган ҳайкали мавжуд. Бу жой нафақат фарғоналикларнинг, балки Фарғона водийсига ташриф буюрадиган ҳар бир кишининг зиёратгоҳига айланди.

Аҳмад Фарғонийнинг номи фазода ҳам абадийлаштирилган. Машҳур польшалик астроном Ян Гавелий ўзининг 1647 йилда чоп этилган «Селенография» китобида ёзишича, XVI асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бири Аҳмад Фарғоний номи билан аталган.

Спорт

Қуръа ташланди

16 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги қитъа чемпионатига қуръа ташланди. Қуръага кўра, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси «D» гуруҳидан жой олди.



Футболчиларимиз гуруҳда Сурия, Хитой ва ҳиндистонлик тенгқурларига қарши кураш олиб боради. Бошқа гуруҳлар кўриниши эса қуйидагича: «А» гуруҳи —Эрон (мезбон), Кувайт, Яман, Лаос; «В» гуруҳи — Австралия, Ироқ, Уммон, Таиланд; «С» гуруҳи — КХДР, Япония, Саудия Арабистони, Жанубий Корея.

Қитъа чемпионатининг ярим финалига етиб борган терма жамоалар ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

ААнинг Дубай шаҳрида шу йилнинг 3-17 ноябрь кунлари ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати бўлиб ўтишидан хабарингиз бўлса керак. Ушбу мусобақаларга қуръа ташланди. Қуръа сўнггида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «С» гуруҳидан ўрин олиб, КХДР, Вьетнам ва Иордания термалари билан кураш олиб борадиган бўлди.

Дзюдочиларимиз тўлиқ таркибда

Халқаро дзюдо федерацияси ёзги Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритган спортчилар рўйхатини эълон қилди.



Унга кўра, мусобақада мамлакатимизнинг 10 нафар дзюдо устаси ғолиблик учун беллашиши расман тасдиқланди.

Шундай қилиб, Ришод Собиров, Мирзоҳид Фармонов, Наврўз Жўрақобилов, Яҳё Имомов, Дилшод Чориев, Рамзиддин Саидов ва Абдулла Тангриев, шунингдек Мирали Шарипов, Хуршид Набиев, Ўткир Қурбонов 2012 йилнинг 27 июль — 12 август кунлари Лондонда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУҲОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Давронбек ОРИПОВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 06 20

Адади: 10937 Буюртма — Г-555 1 2 3 4 5